



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ПРЕЗИДЕНТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 март куни Осийё тараққиёт банки президенти Тахехико Накаони қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, мамлакатимиз иқтисодий-ти тармоқлари ва инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича устувор дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш борасида Ўзбекистон ва Осийё тараққиёт банки ўртасидаги ўзаро манфаатли шериклиги изчил ривожланиб бораётганини мамнуният билан таъкидлади.

Бугунги кунда ҳамкорлик портфели умумий қиймати 14 миллиард доллардан зиёдни ташкил этувчи 59 лойиҳани ўз ичига олган бўлиб, уларни молиялаштириш учун банкнинг 6 миллиард доллардан кўпроқ маблағи жалб қилинган.

Толлимаржон ва Тахиятош иссиқлик электр станцияларида замонавий бугаз қурилмаларини барпо этиш, юқори вольтли электр узатиш линияларини модернизация қилиш, қишлоқ жойларда намунавий уй-жой қуриш, мамла-

катимизнинг турли ҳудудларида сув таъминоти тизими ва санитария объектларини реконструкция қилиш, Аму-Бухоро машина канал тизимини қайта тиклаш, Мароқанд-Қарши темир йўлини электрлаштириш, кичик бизнесни, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва бошқа лойиҳалар Осийё тараққиёт банки иштирокида амалга оширилган ва амалга оширилаётган йirik лойиҳалар сирасига киради.

Учрашувда 2017—2019 йилларга мўлжалланган қўшма дастур доирасида амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Аҳоли, айниқса, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини ошириш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, аграр тармоқни модернизация қилиш, йўл-транспорт инфратузилмаси, муқобил энергетикани ривожлантириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш ва бошқа йўналишларга қаратилган устувор лойиҳаларни амалга

ошириш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

ОТБ президенти самимий қабул ва ўзаро шериклик муносабатларини мустаҳкамлашни қўллаб-қувватлаётгани учун Президентимизга чуқур миннатдорлик билдириб, Осийё тараққиёт банки Ўзбекистон билан кенг қўламли ҳамкорликни ривожлантиришга тайёрлигини таъкидлади.

ОТБ делегациясининг мамлакатимиз вазирликлари ва идораларида ўтказган учрашувлари якуни бўйича банкнинг 573 миллион долларлик маблағини жалб қилган ҳолда кичик бизнес, мева-сабзавотчилик соҳалари, сув таъминоти тизими ва автомобиль йўллари инфратузилмасини ривожлантиришга доир 4 лойиҳани амалга ошириш бўйича келишувлар имзоланди.

Ўзбекистонга ташрифи давомида Тахехико Накао Самарқанд, Бухоро ва Тошкент вилоятларида бўлиб, Осийё тараққиёт банки иштирокида амалга оширилган инвестиция лойиҳаларининг натижалари билан танишди.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКМАНИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Президент Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 2017 йил 6-7 март кунлари давлат ташрифи билан Туркменистонда бўлади.

Ташриф доирасида давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Туркменистон муносабатларига доир кенг қўламли масалаларни муҳокама қиладилар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашадилар.

Олий даражадаги музокаралар якунлари бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти, Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, шунингдек, турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган катор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

## Баркамол авлод тарбиячиларига эҳтиром рамзи

4 март — “Соғлом авлод учун” ордени таъсис этилган кун



Баркамол авлод орзуи — энг буюк орзу. Ўзбекистоннинг келажаги буюк эканига қатъий ишонч билан яшаётган халқимизнинг орзуси бу. Мамлакатнинг қудратини белгилайдиган омилар кўп. Бироқ уларнинг энг асосийларидан бири шу юртда вояга етаётган юсак маънавиятли, жисмонан соғлом, ҳар томонлама баркамол авлоддир.

(Давоми 2-бетда.)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 10000 сўм бўлган пул белгиларини муомалага чиқариш тўғрисида



2017 йилнинг 10 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қиймати 10000 сўм бўлган банкнот кўринишидаги янги пул белгиларини муомалага чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 10000 сўм бўлган пул белгилари 144 x 78 мм. ўлчамдаги химояланган қоғозда тайёрланган.

Банкнотнинг ўнг тарафидаги кенг оқ рангли сатҳда Ўзбекистон Республикаси Герби ва “10000” рақами кўринишида **сув белгиси** мавжуд.

Оқ рангли сатҳнинг чап тарафидан қоғоз қатламида “Дарча” ва “3D” эффектли юзага чиқиб, **ичкарига ботувчи химоя иппи** ўтказилган.

**Банкнот олд томонининг** юқори қисмида “O'ZBEKISTON

RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI” ёзуви мавжуд.

Чап қисмида нақшинкор элементлар фонида Ўзбекистон Республикаси Герби тасвирланган.

Гербнинг пастки қисмида етти рақамли номери билан икки лотин ҳарфидан иборат серияси жойлашган.

Нақшинкор рамканинг ўнг ва чап бурчақларининг қуйи қисмида, шу-

нингдек Гербнинг ўнг тарафида “10000” рақами тасвирланган бўлиб, банкнотнинг қийматини билдиради.

Гербнинг ўнг тарафидаги “10000” рақами устига йирик ҳарфлар билан “SO'M” сўзи ёзилган. Ушбу тасвир тепасида банкнот қиймати сўз билан “O'N MING” кўрсатилган.

(Давоми 2-бетда.)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Нақшинкор рамканинг пастки қисмида "O'ZBEKISTON SO'MI RESPUBLIKA HUDUDIDA HAMMA TO'LOVLAR UCHUN O'Z QIYMATI BO'YICHA QABUL QILINISHI SHART" ёзуви жойлашган.

Банкнотнинг тўқ кўк рангли нақшинкор рамкаси, "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI" ёзуви, Герб, ўнг ва чап томондаги "10000" рақамлари **бўртиб туради, ушлаб кўрилганда сезилади.**

Оқ рангли сатҳда жойлашган "10000" рақами тепасида банкнот-

нинг номери ва серияси такрор кўрсатилган.

Оқ рангли сатҳнинг юқори қисмида **қиялик бурчагининг ҳолатига қараб рангини ўзгартирувчи ва ушлаб кўрилганда билинадиган** бўртиб турувчи, тилла-бронза рангли саккиз қиррали нақш мавжуд.

Нақш тепасида банкнот чиқарилган йил "2017" кўрсатилган.

**Банкнотнинг орқа томони** чап қисмидаги оқ рангли сатҳда сув белгилари кўринади. Оқ рангдаги сатҳнинг юқори ва пастки қисмида қўқ ва бинафша рангда ишланган нақшинкор безаклар жой-

лашган бўлиб, пастки безак устида "10000" рақами акс эттирилган.

Банкнотнинг марказида "SENAT" меъморий биноси, бино гумбазининг тепасида **Ўзбекистон Республикасининг рангли байроғи** тасвирланган.

Тасвирнинг юқори чап бурчагида бир-бирини кесиб ўтувчи "10000" ва "SO'M" ёзувлари мавжуд бўлиб, уларнинг тепасида банкнотнинг қиймати сўз билан "O'N MING" кўрсатилган.

Пастки қисмида "O'ZBEKISTON SO'MINI QALBAKILASHTIRISH

QONUNGA MUVOFIQ TA'QIB QILINADI" матни жойлашган.

Ушбу матнинг икки томонида "10000" рақамлари, шунингдек банкнотнинг энг юқори қисмида "O'N MING SO'M" ёзуви акс эттирилган.

Муомалага чиқарилаётган қиймати 10000 сўм бўлган пул белгилари, айна пайтда муомалада бўлган пул белгилари ва тангалар билан бир қаторда, барча ўҳжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли томонидан ўз қиймати бўйича барча турдаги тўловлар учун ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши шарт.

### Такехико НАКАО:

## Ҳаракатлар стратегияси — Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичи

**Осиё тараққиёт банки президенти Такехико Накао Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, ўзаро ҳамкорлик лойиҳалари ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:**

— Ўзбекистонга ташрифим жуда самарали бўлмоқда. Самарқанд, Бухоро ва Тошкент вилоятларида бўлиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдим. Ердан мақсадли ва самарали фойдаланиш, боғдорчиликни ривожлантириш ва ҳосилдорликни ошириш, соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш борасидаги лойиҳалар бизда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон билан замонавий таълим ва соғлиқни сақлаш тизимлари, худудий алоқалар, савдо ва транзитни ривожлантириш имконини берадиган автомобиль йўллари ва темир йўл инфратузилмасини модернизация қилиш, кичик ва ўрта корхоналарни кўпайтириш ҳисобидан хусусий сектор салоҳиятини ошириш, қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши бўйича комплекс дастур, самарали замонавий энергетика секторини ривожлантириш ва такомиллаштириш каби соҳаларда ҳамкорлик қилишдан манфаатдоримиз.

Президент Шавкат Мирзиёев билан суҳбатда ҳам шулар каби бир қанча соҳаларда ҳамкорлик қилиш бўйича самарали мулоқот бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти билан мулоқотда қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш, аграр тармоқни модернизация қилиш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қув-

ватлаш, энергиятежамкор технологияларни жорий этиш масалаларига алоҳида урғу берилди. Бу пировард натижада мамлакатнинг ривожланган давлатлар қаторидан жой олишига замин яратлади.

Осиё тараққиёт банки Ўзбекистонга 2017—2019 йилларга мўлжалланган энергетика соҳасидаги инфратузилмаларни ривожлантириш, транспорт, коммунал хизматлар, олис ҳудудларда турар-жойлар қурилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни молиялаштириш учун маблағлар ажратади.

«Навойи» эркин иқтисодий зонаси улкан салоҳиятга эга. Биз Ўзбекистоннинг минтақада транспорт алоқасини яхшилаш ва глобал бозорларга чиқиш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак қадрлаймиз ва ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаймиз.

Шуни алоҳида қайд этмоқчиманки, 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган ислохотларни амалга ошириш лойиҳаларида қатнашишни режалаштирмамиз. Бинобарин, Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистоннинг барча соҳалардаги тараққиётининг янги босқичини бошлаб берди. Бу ҳаракат юксак самаралар беришига ишонамиз.

ЎЗА мухбири  
А. УРОЗОВ  
ёзиб олди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Зеро, эл-юртнинг келажиги бутун камолга етаётган ёшлар қўлида. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, юртимиздаги ҳар қайси инсон, ҳар қайси оиланинг энг эзгу орзу-мақсадлари, ҳаётининг манфаатлари авваламбор унинг фарзандлари тимсолида намоён бўлади, рўёбга чиқади.

Азалдан халқимиз боланинг дунёга келиши,

ройлари, тиббий муассасалар соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маънавияти юксак, ижодий-интеллектуал салоҳиятли авлодни тарбиялашда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни беқиёс. Мамлакатимизда болаларнинг спорт билан шугулланиши учун барча шароит яратилган ва бу иш изчил давом этмоқда.

Ўзбекистонда навқирон авлод саломатлиги, камолоти ва истиқболни, оила,

Орденнинг тасвирида ўзига хос рамзий маъно-мазмун мужассам. Унинг ўнг қисмидаги қуёш нурлари фониди фарзандини опичлаб турган Она сиймоси акс эттирилган. Ватан тимсоли бўлган муниш волида меҳр ва хотиржамлик билан фарзандига тмулиб ўтирибди, эзгу орзу-интилишлар рўёби бўлмиш беғубор гўдак қувонч ва иштиёқ билан нурга — эзгуликка талпинмоқда.

Орден бириктирилган

## Баркамол авлод тарбиячиларига эҳтиром рамзи

унинг парвариши ва таълим-тарбиясига юксак эътибор қаратган. Ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини сақлаб туриш, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатиш, эл ишига камарбаста, ватанпарвар, жисмонан чиниққан ва маънан етук авлодни камол топтириш умрбоқий қадриятларимизнинг асосини ташкил этади.

Биринчи Президенти-миз Ислоҳ Каримовнинг 1993 йил 4 мартдаги фармонида мувофиқ таъсис этилган мустақил Ўзбекистоннинг илк ордени «Соғлом авлод учун» деб номланишида ҳам ана шу эзгу мақсад мужассам.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида миллат генофондини сақлаш ва яхшилаш, аҳолининг умр кўриш давомийлигини ва турмуш даражасини ошириш, соғлом зурриётни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун шаҳару қишлоқларимизда фаолият юритаётган замонавий мактаблар, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, болалар ижодиёти марказлари, спорт са-

оналик ва болалик манфаатларини кучли ижтимоий ҳимоялаш борасидаги тизимли ва пухта ўйланган амалий чора-тадбирлар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Халқаро мусобақалар, йирик чемпионатлар, санъат ва маданият фестиваллари, ижодий танлов ва беллашувлар, интеллектуал олимпиадаларда навқирон юртдошларимиз фаол қатнашиб, Ватанимиз шарафини жаҳон миқёсида муносиб ҳимоя қилаётгани мамлакатимизда ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол шахсни вояга етказиш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг ёрқин натижасидир.

«Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирлаш — бу жараёнга улкан ҳисса қўшаётган инсонлар меҳнатининг юксак эътирофидир.

Икки даражадан иборат мазкур орден билан оналик ва болаликни муҳофиза қилиш, атроф-муҳитни яхшилаш, соғлом авлодни камол топтириш йўлида фидокорона хизмат қилаётган инсонлар мукофотланади. Мазкур орден билан бошқа давлатлар фуқаролари ҳам мукофотланиши мумкин.

дастанинг ички қисми яшил рангдаги товланувчи лента билан ўралган. Лентанинг ўртасида гул турган ўрик новдаси тасвири туширилган. Гуллаётган ўрик новдаси — кўктам, табиатдаги, онгу тафаккуримиздаги уйғониш тимсоли. Бу тасвир яшариш ва янгилиниш рамзи бўлган яшил ранг фониди янада гўзал жило ва теран мазмун ифода этади.

Соғлиқни сақлаш, таълим, спорт соҳаларида самарали меҳнат қилиб, соғлом авлодни вояга етказишга муносиб ҳисса қўшаётган кўплаб ватандошларимиз «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланган.

«Соғлом авлод учун» ордени буюк келажгимиз ворисларини тарбиялашда юртдошларимизга куч-ғайрат бағишлайди. Зеро, фарзандларини тинч ва осойишта юрда безавол, тани-сиҳатликда камолга етказиш, уларни эл қорига ярайдиган инсонлар этиб тарбиялаш, бахту-камолини кўриш ҳар бир юртдошимизнинг эзгу орзусидир.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
ЎЗА шарҳловчиси

2017-yil 4-mart, № 18 (8979)



## Эл ардоғидаги шоира

Ўлкамизга кўкламойим шунчаки кириб келмайди. Ноз-карашмалари, эрқаловчи кўёшию шаббодалари билан қўшиб «Ўзбекистон Зулфияси» хотирасини ҳам олиб келади. Бахорнинг илк кунини шеър мушоирадан, бахру байтдан, яна Зулфияхонимнинг таваллуд санасини нишонлашдан бошлади. Ўзбекистон халқ шоири Зулфия бахт ва бахор, тоза туйғулар куйчиси, дея бе-  
 э алканмайди.

Мартнинг илк кунини адаблар, ёзувчию шоирлар, шеърят мухлислари, ўқувчилар билан Зулфияхоним ҳайкали олдида шоиранинг ҳаёти, ижоди хотирланади, шеърлари куйга солиниб, ашулалар янграйди. Бу йил ҳам ҳайкал пойида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида «Зулфияхоним доимо эъзозда» тадбири ўтказилди. Ёзувчи ва шоирлар, педагоглар, адабиёт мухлислари, маҳалла, хотин-қизлар кўмиталарининг фаоллари, талаба-ёшлар, ўқув масканларидаги «Ораста қизлар» тўғаракларининг аъзолари иштирокида ўтган байрам чинакам адабиёт, шеърят, бахор айёми бўлди.

Ўзбек шеърятининг ёрқин тимсоли Зулфия мунис опа-сингилларимизнинг орзу-истаклари, аёл дардини нозик ҳис этган, уни шеърларига сўнгдирган ижодкор сифатида тарихда қолди. Шоира ижодида меҳр, сабру қаноат, садоқат, фидойиликдек юксак туйғулар баралла куйланганига, шеърларининг аксариди аёл қалби, дарди ҳукморлигига гувоҳ бўлаемиз. Жаҳон халқлари шеърятини билан ўзбек китобхонини таништирган, дунё адабий жамоатчилигига маърифатпарвар аёл, нуктадон шоира сифатида танилган Зулфияхоним ҳар доим эъзоз, эътирофлар кучоғида.

— Зулфияхоним чинакам маърифатпарвар аёл. Кўпчилигимиз бундай истеъдод соҳибаларининг давомчилари, издошлари эканимиздан фахрланамиз, — дея самимий эътироф этди Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Фарида Тошпўлатова. — Сафимизнинг йилдан йилга кенгаётгани фахр-ифтихордан ташқари масъулия ҳамдир. Кўксимиздаги мукофотга муносиб бўлиш, ишонччи оқлаш, келажақдаги ютуқлар сонини ошириш ҳам зиммамизда турибди.

Зулфия номидаги давлат мукофотининг таъсис этилиши ҳам, мукофот сабаб иқтидорли, билимли қизларнинг кашф этилаётгани, нафақат адабиёт, балки фан, таълим, маданият, санъат ва спорт оламида истеъдодлиларнинг кўпаяётгани ҳам шоира хотирасини абадийлаштиради. Ҳар бир мактаб, туманларда «Зулфияхоним қизлари» адабий-бадий тўғаракларининг мунтазам ишлаётгани, унда Зулфия издошлари улғаяётгани кўпимизнинг қувончимиз, асли.

Тадбир якунида ўқувчилар шоира шеърларидан намуналар ўқиб, ашулалар айтдилар. Сўнг ижодкор ҳайкал пойига алвон гуллар куйилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Т.Норбоева сўзга чиқди.

Чарос НИЗОМИДДИНОВА,  
«Ma'rifat» мухбири



8-mart — Xalqaro xotin-qizlar kuni

## Эътибор ва ғамхўрликдан мамнунмиз

Мамлакатимизда хотин-қизлар юрт фаровонлиги, халқимиз дастурхони баракасининг ортисига муносиб ҳисса қўшаётир. Халқаро хотин-қизлар кунини арафасида ЎЗА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлиб, фикрларини эътибор олди.

**Халчохон МИРЗАЕВА, Наманган вилояти Тўрақўрган туманидаги «Хадича ая» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони:**

— Ўзбекистоннинг бахтли аёлларидан бириман. 2007 йил декабрнинг бошлари. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов кўксимга «Олтин юлдуз» медалини тақиб қўяр экан, атрофдагиларга қараб: «Мана шу аёлни кўринг, шу аёл Қаҳрамон бўлади, деб ким ўйлаган?! Аслида, шу кичик жуссаси-ю катта қалбига эл-юртга хизмат қилишдек улкан масъулиятни ортан аёл учун далада ишлаш билан бирга, олти фарзандни боқиб тарбиялашнинг ўзи қаҳрамонлик эмасми?!», деганлариди кўларимдан ёш куйилганиди. Бир замонлар чигит экишдан тортиб, ғўзапояни йиғиштириб олишгача бўлган ишларда юқорининг кўрсатмасини қутиб ўтирадиган, деҳқончиликдан беҳабар «мутахассис»ларнинг китобий йўл-йўриқларини бажаришга мажбур, ҳосил тақдирига масъул, лекин унинг парваршида эрки йўқ, самарасидан бебаҳра оддий бригадир эдим.

Бугун халқимиз, давлатимиз ардоғидаман. Бир мен эмас, барча аёлларимиз ана шундай иззат-икромда. Бундан қувонмай бўладими?!

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга, қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини янада яхшилашга доир фармон ва қарорларидан бутун халқимиз қатъори фермерлар ҳам ниҳоятда хурсанд. Бу эъти-

бор, бу ғамхўрлик кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшиб, янги марраларни егаллашга чорламоқда.

**Хуснираба ЭРГАШЕВА, Бухоро муҳандислик-технология институти доценти, техника фанлари номзоди:**

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг олимлар билан учрашувида билдирган фикрлари, Фанлар академияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги фармони юртимиздаги барча илм ахлини, жумладан, Бухоро вилоятидаги олимларнинг ҳам кўнглини кўтарди, айна чоғда масъулият юкларди. Давлат раҳбари илм соҳибларини, хотин-қизларни эъзозлаб турса — албатта қувонсан, янги-янги кашфиётлар қилишга интиласан киши.

Мамлакатимизда яратилган шароитлар туфайли хотин-қизлар барча соҳаларда фаол меҳнат қилмоқда. Олима аёлларнинг ҳам сафи йилдан-йилга кенгаймоқда. Институтида қирқ нафарга яқин олима аёл фаолият юритади. Улар ёшларга таълим-тарбия бериш баробарида илм-фаннинг устувор масалалари юзасидан излашлар олиб бормоқда. Яқинда бир ҳамкасбимиз муҳим илмий лойиҳаси учун эллик миллион сўмдан кўпроқ давлат гранти этиб олди. Олималаримиз нафақат мамлакатимиз, балки тараққий этган хорижий мамлакатларда малака ошириб, илм-фан соҳасида илгарилар бормоқда. Буларнинг барчаси юртимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, иқтидорини рўёбга чиқариши учун яратилган шароитлар маҳсулидир.

ЎЗА мухбирлари  
Сайёра ШОЕВА,  
Баҳор ХИДИРОВА  
эътибор олди.

## Муаллимлар доимий эътиборда

**Самарқанд шаҳридаги 29-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Амира Ахрорқулова фикри билан маданият ходимлари касабаси уюшмаси шаҳар кенгашига юртимиздаги санаторийлардан бирига йўлланма сўраб мурожаат қилди.**

— Иккиланганимнинг боиси ўқитувчиларга одатда ёзги таътил вақтида йўлланма берилди, — дейди муаллима. — Қолаверса, хоҳловчилар кўп, анча вақт навбат куттиш керак, деган гапларни ҳам эшитгандим. Йўқ, ҳаммаси осон битди. Керакли ҳужжатларни тақдим этган эдим, «Турон» сихатгоҳига йўлланманни кўлимга тутқазди. Байрам олдиндан бу мен учун ўзига хос совға бўлди...

Самарқанд вилоятидаги таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси ташкилотлари аъзоларининг кўпчилиги хотин-қизлардир. Бу мутасаддилардан ўз вазифасига алоҳида эътибор билан ёндашиш, таълим муассасалари, маданият масканларида фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар учун муносиб меҳнат ва дам олиш шароити яратиш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш юзасидан иш берувчилар билан ҳамкорликда иш олиб боришни тақозо этади.

— Бугун тизимдаги барча корхона ва ташкилотларда бошланғич касабаси уюшма ташкилотларимиз мавжуд, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилоя-

ти бўйича масъул ташкилотчиси Ифтихор Раҳимов. — Ишчи-хондилар манфаатини ҳимоя қилиш, улар учун зарур шароит яратиш мақсадида иш берувчилар ва бошланғич ташкилотларимиз ўртасида жамоа шартномалари тузилган. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатларда мамлакатимиз ва халқаро меҳнат қонунчилиги меъёрларидан келиб чиқиб, айниқас, хотин-қизлар учун муносиб иш ва дам олиш шароити яратиш, уларни тиббий-ижтимоий муҳофаза қилиш, рағбатлантириш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият берилган. Бу вазифалар ижроси доимий равишда мониторинг қилиб борилади.

Ёш болали, ҳомилдор аёллар, боқувчисини йўқотган оила бекаларига иш берувчилар билан иш, касабаси уюшмалари томонидан ҳам зарур ёрдам кўрсатилмоқда. Хусусан, яқинда Пастдаргом тумани кенгаши томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож 15 хотин-қизга моддий ёрдам берилди. Хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларнинг оила ва жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш мақсадида турли кўрик-танлов, спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Жумладан, касабаси уюшмалари ташкилотлари тизимида анъанавий тарзда ўтказилаётган «Ўз касбининг моҳири эгалари» танловида ҳам Пастдаргом ва Оқдарё туманларидаги умумтаълим мактаблари ўқитувчилари З.Мусурмонова, Д.Мамашарипова муносиб рағбатлантирилди. Барча туман ва

шаҳарларда «Китобхон оила», «Спортсевар оила» каби танловлар ташкил этилмоқда.

— Ўтган йили тизимда меҳнат қилаётган ишчи-ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш, моддий қўллаб-қувватлашга 22 миллион 400 минг сўм маблағ йўналтирилган эди, — дейди таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Бахтиёр Намозов. — Жорий йилда ушбу йўналтиришга 31 миллион сўмдан ортқ маблағ ажратилиш кўзда тутилган. Бу маблағ асосан, касабаси уюшма аъзоларига моддий ёрдам, совға-салом бериш, турли тадбирлар уюштиришга йўналтирилмоқда. Бундан ташқари, ходимларга саломатлигини мустаҳкамлаш учун юртимиздаги сихатгоҳларга имтиёзли йўлланмалар ажратилмоқда. Ўтган йили тизимдаги 220 кишига, жумладан, 124 нафар хотин-қизга шундай йўлланмалар берилди. Бу йил ҳозиргача 24 нафар опа-сингилларимиз санаторий йўлланмаларини олди. Айни пайтда барча таълим муассасалари, ташкилотлардаги бошланғич ташкилотларимиз иш берувчилар билан бирга 8 март байрами муносабати билан хотин-қиз ходимларни рағбатлантириш чораларини кўрмоқда. Ушбу эзгу ишга шаҳар кенгаши ҳам ўз ҳиссасини қўшиб мақсадида 1000 дан ортқ аъзоларга байрам совғалари улашишни режалаштирганмиз.

Ф.ХАСАНОВ,  
ЎЗА мухбири

## Yangiliklarda yurt nafari



### ❖ Карши мухандислик-иктисодиёт институти қошидаги "Нуристон" академик лицейида «Ёшлар хорижий тилларни ўрганмоқда» мавзусида тиллар фестивали бўлиб ўтди.

Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Найтхарт Хёфер-Виссинг, Германия Федератив Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги PASCH — "Мактаблар: келажак ҳамкорлари" дастурининг мамлакатимиздаги координатори, чет тиллари дарслари бўйича эксперт Хайнар Бёрнт, Тошкентдаги Гёте институти раҳбари ўринбосари Ян Хельфер ва бошқалар иштирок этган фестивалда ўқувчилар томонидан беш тилда тайёрланган адабий композициялар намойиш этилди.

Турли халқларнинг урф-одат ва анъаналари, миллий саноати ҳақида тайёрланган сахна кўринишлари, айниқса, хорижий тилларда жонли ижро этилган кўшиқ ва рақслар фестивал иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

— Ўқувчи умумтаълим мактабида қайси хорижий тилни ўрганган бўлса, лицейимизга келган, шу тилни ўрганишни давом эттиради. — дейди лицейнинг немис тили ўқитувчиси Дилфуза Отамуродова. — Ўқувчини тўғри талаффуз қилишга мажбурлаш ёки грамматик хатосини тўғриладан билан тил ўргатиб бўлмайди. Дарсни мулоқот тарзида, кўпроқ машқ ўйин услубида олиб борамиз. Дарс жараёнида хорижий тилларда намойиш этиладиган телекўрсатувлардан фойдаланиш ҳам яхши самара бермоқда.

### ❖ Сурхондарё вилояти ахборот-ресурс марказида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси вилоят кенгаши томонидан «Китоб ва ёшлар» мавзусида очиқ мулоқот ўтказилди.

Партия фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, профессор-ўқитувчилар, шоир ва ёзувчилар, талаба-ёшлар иштирок этган тадбирда электрон китобхонлик ва бадий китоб муталаасининг қулайликлари, чоп этилаётган замонавий асарларнинг тарбиявий аҳамияти, олий таълим муассасалари кутубхоналарининг талабалар ҳаётидаги ўрни ҳақида фикр алмашилди.

— Электрон дарсликлар, аудио, видео қўлланмалар ўқиб-изланишда талаба-ёшларга қулай бўлиши мумкин, ammo бадий асарни китоб ҳолида ўқиш инсонга ўзгача завқ беради, — дейди Термиз давлат университети амалий математика ва ахборот технологиялари йўналиши магистри Шоҳрух Умарзода. — Фалсафий, тарихий ва бадий асарлар менинг энг яқин дўстим, сирдошим. Бўш вақтимда бундай китобларни севиб муталаа қиламан. Яқинда француз адабларининг ўзбек тилига ўғирилган "Ҳақиқат манзаралари" номли тўпламини катта қизиқши билан ўқиб чиқдим. Уларнинг фалсафий фикрлари дунёкарашимни янада бойитди.

Очиқ мулоқот якунида "Китоб ва мен" мавзусида ижтимоий сўровнома ўтказилди.

### ❖ Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш истикболлари» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

— Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал тараққиёти, халқимиз турмуш даражасининг ўсиб бориши аҳолининг замонавий хизматларга эҳтиёжини оширмоқда, — дейди Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори М.Пардаев. — Ўз навбатида, ялпи ички маҳсулот таркибида ҳам мазкур тармоқнинг улushi йил сайин ортиб бормоқда. Бундай шароитда шахар ва қишлоқларимизда аҳолига кўрсатилаётган хизматлар тури ва сифатини ошириш, тизимда янги иш ўринлари яратиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Конференцияда хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни, хизматлар самардорлигини оширишда менежмент ва маркетингни тақомиллаштириш, туризмни ривожлантириш механизмлари, моливий муносабатлар, бухгалтерия хисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика, кадрлар тайёрлаш масалаларига бағишланган маърузалар тингланди. Олимлар ва мутахассислар томонидан маҳорат машғулотлари ўтказилди.

ЎЗА ВА МАХСУС МУХБИРЛАРИМИЗ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ.

## Ватан хизматига ҳамиша шай йигитлар

### Пойтахтимизда мuddатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитларни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини мuddатли ҳарбий хизматга навабтадаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат мuddатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Куролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ўтказилган навабтадаги тадбир ҳамда ҳарбий хизматчилар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, бўлажак аскарларнинг ота-оналари, ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шахар мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи Эргашали Тоштемиров ва бошқалар ўнлаб ёшлар орасидан сараланган, тест ва тиббий кўрик, барча жисмоний тайёрларлик синовларидан ўтиб, йигитлик бурчини ўташ учун йўл олаётган ўғлонларни самимий қутлади.

— Ана шундай унутилмас ва кўтлук кун оғоз ва обод юртимизни муносиб химоя қилишга отланаётган ёшлар қатори менинг ҳаётимда ҳам ўчмас из қолдиради. Muddатли ҳарбий хизмат биз учун Ватанимиз олдидаги йигитлик бурчимизни ўташ билан бирга ҳақиқий ҳаёт мактаби бўлади. Биз бундан фахрланамиз ва бизга билдирилган ишонини шарофли хизматимиз, билим ва салоҳиятимиз, шахсий намунамиз билан оқлашга ваъда берамиз, — дейди чақирулувчи Исмолом Мадаминов.

Кумрихон СУЛТОНОВА

## Профилактика инспекторлари малакаси оширилмоқда

### Ички ишлар вазирлиги академияси ўқув полигонига Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шахар ИИББ ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг 400 нафар профилактика инспектори учун ўқув йиғини ташкил этилди.

— Ўқув йиғинига жалб этилган тингловчилар хизмат вазибаларини виждонан бажариши учун назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлиши керак, — дейди полковник И. Химматов. — Шу боис профилактика инспекторларининг маҳсус-тактик, жанговар ва жисмоний тайёрларлиги ҳамда мутахассислика доир амалий кўникмалари даражасини янада ошириб бораётиз.

Ана шу мақсадда академия ўқув полигонига уюштирилган бугунги ўқув-йиғини ўз самарасини беради. Бу ерда замон талабларига жавоб берадиган ўқув аудиторияси, спорт комплекси, ахборот-ресурс маркази, руҳий тетиклантириш хонаси, ўқ отиш ва маҳсус-тактик машғулоти ўтказиладиган майдон мужассам.

Тингловчиларнинг маънавий-маърифий биллиларини юксалтириш, уларнинг ўз касбига бўлган қизиқишини янада ошириш мақсадида тизимда кўп йиллар меҳнат қилган фахшлар билан турли маданий-маърифий талқинларни йил давомида ўтказиш режалаштирилган.

Асолат АХМАДҚУЛОВА

## Академик ёш математиклар даврасида

### Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига математик олим, академик Шаоат Аюлов билан юзма-юз мулоқот бўлиб ўтди. Устоз математика факультети талабалари даврасига ташриф бурди.

Тадбирнинг кириш қисмида ЎзМУ Мурабийлар кенгаши раиси Абдор Хидиров, математика факультети декани Абдор Худойбердиев олимнинг ибратли хаёт йўли ҳақида сўзлаб беришди.

Дарҳақиқат домланинг хаёт йўли бевосита илмий изланишлар, кашфиётлар, илм-фан йўлидаги заҳматли меҳнатлар билан туташиб кетгани билан ибратлидир. У физика-математика фанлар доктори, профессор,

Ўзбекистон Республикаси Фан аربоби, академик даражасига етган, ўнлаб ёш олимларнинг етишиб чиқишига устозлик қилган илм-фан фидойиларидандир. Унинг АКШ, Германия, Буюк Британия, Испания, Австралия, Россия, Хитой, Франция, Руминия, Италия, Швейцария каби қатор давлатлардаги илмий муассасалар билан ҳамкорлиги ҳақида узоқ гапириш мумкин.

— Муҳтарам Президенти-

миз Шавкат Мирзиёев билан илм-фан фидойилари, академиклар, профессорларнинг давра суҳбатиди катта воқеа бўлди, — дейди устоз. — Бу мулоқотда кўплаб тақлифлар илгари суридилди, уларнинг изчил амалга оширилиши илм-фанимиз, пировардида, жамиятимиз тараққиётига хизмат қилиши шубҳасиз.

Талабалар катта фахш таҳрибасига эга олимнинг илм-фан йўлида амалга оширган ишлари, эришган ютуқлари, устозлари ҳақидаги фикрларини қизиқиш билан тингловчиларига атрофлича жавоб олишди.

Улуғбек УСМОНОВ

## Тадбиркор бўлай десанг...

Шайхонтохур транспорт касб-хунар коллежиде «Бўлажак тадбиркор — келажак пойдевори» мавзусида ўқув семинари ташкил этилди. Туман «Ягона дарча» маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу семинарда тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган коллеж битирувчилари ҳамда масъул ходимлар иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш ва тадбиркорлик учун барча қулай шарт-шароитларни яратиш муҳим аҳамият касб этади. Юртимизда ўтган йил январдан бошлаб туман(шахар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари негизда «Ягона дарча» тамойили асосида тадбиркорларга давлат хизматларини кўрсатиш бўйича марказлар ташкил қилинди. Хизматлар

соли босқичма-босқич оширилиши, жумладан, биринчи босқичда тадбиркорлик субъектларини муҳандислик-коммуникация тизимига тайёр ҳолда улаш, биро ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни қилиш, объектни қайта иктисослаштириш ва реконструкция қилиш, қурилиш-монтаж ишлари, тураржойларни нотуражой ўлкасига ўтказишга ружат бериш сингари 16 турдаги давлат хизматлари кўрсатилади. Марказга бир неча усулда — шахсан ўзи бориб, телефон ёки интернет орқали музожаат қилиш мумкин.

Семинарда касб-хунар коллежи битирувчиларига ўз бизнесини йўлга қўйиши учун барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар, тадбиркорлик фаолиятини бошлашда давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби, «Ягона дарча» марказининг вазибалари, уларда кўрсатилаётган давлат хизматлари турлари ҳамда коллеж ўқувчилари учун яратилган имтиёзлар ҳақида атрофлича тушуinchалар берилди.

Дурдона РАХМАТУЛЛАЕВА

## Маънавият пиллапояси

### Мирзо Улуғбек туманидаги 275-мактабда «Китоб — меҳр олами» номли маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Танқили шоир ва ёзувчилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда таълим муассасасида тахсил олаётган ўғил-қизлар иштирок этган мазкур тадбир ўқувчиларни китобхонликка жалб этиш, уларда муталаага қизиқиш уйғотишга қаратилди.

— Бола тарбияси оиладан шаклланади. Мактаб ота-оналарга шундай мураккаб ва

масъулиятли ишда камарбаст бўлмоғи зарур, — дейди 275-мактабнинг амалиётчи психологи Хуррам Отамуродова. — Бугунги тадбир ёшларни маънавият асоси бўлган китобга ошно қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Тадбир меҳмонлари китобнинг инсон хаётида тутган ўрини хаётий мисоллар билан асослаб бераган, ўқувчилар-

нинг ўқишга муносабати қатъийлашди. Шоирлар ўз шеърлари билан кечга кўтаринки руҳ, ўзгача файз бағишлади. Бу эса адабиётга ҳавасманд, ёш ижодкор ўқувчиларни-да илҳомлантириб юборди. Тадбирда таъкидланганидек, ўсиб келаётган авлод маънавиятини юксалтириш учун, аввало, уларнинг адабиётга муносабатини ижобий томонга ўзгартириш лозим. Ўтказилган адабий кеча ана шу эзгу мақсад йўлида пиллапоя вазибаларини ўташи, шубҳасиз.

Баҳром НОРМУРОДОВ, ЎЗМУ талабаси



2016 йилнинг якунланишига бир кун қолганда Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимиздаги етакчи олимларни давра суҳбатига таклиф қилганида Ўзбекистон фани олдига янги вазифалар қўйилса керак, деб ўйлаган ва маъруза тинглашга ўзимизни чоғлаган эдик. Амалда давлатимиз раҳбари даврада иштирок этмаётган академиклар шаънига алоҳида эҳтиром сўзларини айтиб, дастлаб сизларнинг фикрларингизни эшитмоқчи эдим, деди. Бундай юксак эътибордан, очиги, ҳайратландим. Чунки олимларга, миллат зиёлиларига бунчалик ҳурмат ва иззат камдан-кам давлатлардагина бўлади. Бугун ёшим 83 да. Фан оламига олтинчи йилдан зиёд дахлдорман...

Очиги, фан — кишилар эҳтиёжларини қондирмоқдир. Шу талабга жавоб бермаса, у фан эмас. Фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси — бугунги эҳтиёж. Аслида фаннинг ўзи шу эҳтиёждан келиб чиққан. Ана шундай ёндашув илм-фан намоёндалари ва ишлаб чиқариш раҳбарлари фаолиятининг доимий мезони бўлиши керак. Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш деган тушунча айнан шундай ёндашувдан келиб чиққан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 17 февралда қабул қилинган «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори кўнгилмизни яна бир бор юксалтирди. Бу қарор фундамал, амалий ва инновацион тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилгани, академик фаннинг ишлаб чиқариш тизимида тугган ўрнига юқори баҳо берилгани, умуман, илм-фаннинг ижтимоий муносабатлар тизимидаги ўрнини аниқлаб етишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Бугун турмушимизни илм-фан ютуқларисиз тасаввур қилиб бўлмагандай, келажак тараққиётини ҳам фансиз тасаввур этиб бўлмайди. Модомики шундай экан, илмий-тадқиқотлар тизimini ва академия фаолиятини ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб ташкиллаштириш, бошқариш, молиялаштириш ва такомиллаштириш давр талабидир. Қарорда Фанлар академиясининг таълимий тузилиши ва асосий фаолият йўналишлари белгилан берилган. Бундан ташқари, илмий-тадқиқот инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш мақсадига Фанлар академи-

## «Илмдир, хунарлар бошидаги тож!..»

яси таркибидан бир қатор илмий-тадқиқот муассасалари ташкил қилиниб, қатор муассасалар академия тасарруфига қайтарилмоқда. Ўз навбатида, бу тадбирлар Фанлар академияси томонидан кенг қўламли фундаментал тадқиқотлар олиб борилишини таъминлаш, турли фан тармоқлари бўйича мавжуд илмий салоҳиятнинг муассасалар ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг долзарб муаммоларига сафарбар қилиш имконини яратди.

Айтиш жоизки, кейинги йилларда механика фанига, қолаверса, механиканинг зилзилабардошлилик масалаларига эътибор сусайганди. Иншоотлар сейсмодинамикаси ва унинг натижаларидан зилзилабардош қурилиш амалиётида фойдаланиш, бинолар ва иншоотлар хавфсизлиги, сейсмик йўқотишларни баҳолаш ва камайтириш, аҳолини бўлажак зилзилага тайёрлаш муаммоларини ўрганиш талабга жавоб бермас эди.

Шу маънода, янги қарор илмий-тадқиқот масканимиз жаҳон эътирофини қозонган аввалги номда — Ўзбекистон Фанлар академияси М.Урозбоев номидagi Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти деб аталити барчамизни қувонтирди. Ушбу эътибор соҳа таъриба базаларини дунё андозаларига жавоб берадиган даражага чиқаришда муҳим омил бўлиб хизмат қила-

ди. Эндиликда олимларимиз жидду жаҳд, янада фидойилик билан мамлакатимизга хизмат қилиши лозим, бунга ҳозирги кунда етарлича шароит яратилмоқда.

Қарорда бир қатор янгилеклар борки, масалан, Фанлар академияси Навоий бўлимининг ташкил этилиши, Қорақалпоғистон бўлими раиси, Хоразм Маъмон академияси раиси ва Фанлар академияси Навоий бўлими раиси ўз мақомига кўра Фанлар академиясининг вице-президенти тенглаштирилиши, Давлат ко-

ўрганмаганида Миср эҳромларини, асрлар оша ўз кўрки ва салобатини сақлаб келаётган масжиду мадраса, сарой ва минораларни, равоқ ва тимларни кўра оларимиди?!

Мен ишлаётган даргоҳ 1947 йили академик М.Урозбоев ташаббуси билан Ўзбекистон Фанлар академияси Иншоотлар институти сифатида ташкил этилган. Кейинчалик бу ерда механика йўналиши ривожлантирилиб, фан номзодлари ва докторларидан юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича ишлар кучайтирилди. Тошкент ва Самарқанд олий ўқув юртларида механика ҳамда қурилиш йўналишларида, хусусан, иншоотларнинг зилзилага бардошлилигини кучайтириш бўйича иш олиб борувчи кадрлар тайёрлашга эътибор қаратилди. Ўзбекистон олимлари сейсмик мустаҳкамлик масалаларини ўрганишда нафақат юртимизда, балки чет элларда ҳам катта ишларни амалга оширишди. Бу даргоҳда илк бор ер ости иншоотларининг сейсмодинамик назарияси, бино ҳамда иншоотларга сейсмик таъсирнинг физикавий баҳолари яратилди, шунингдек, эластик ва гидроэластик тизимлар, гидротехник иншоотлар назарияси ишлаб чиқилди. Бу каби натижалар жаҳонда антисейсмик фанда илгор тадқиқот сифатида эътироф этилди ва ҳаётга жорий қилинди.

Механиканинг истиқболи ҳақида шунини айтиш мумкинки, олам ҳаракатда экан механика ҳам илгарилана ҳаракатланиб, жамиятнинг эҳтиёждан келиб чиқиб ривожланаверади. Албатта, ҳар бир давр ўз харақтеридан келиб чиқиб, ўзининг янги йўналишларини ва илмий мактабларини шакллантиради. Келажакда механиканинг янги йўналишларига асос соладиган иқтидорли ёшлар етишиб чиқишга чин дилдан ишонаман. Умуман, юртимиз олимлари, муҳандислик касбини яхши эгаллаган иқтидорли ёшлар қарорда кўзда тутилган кенг қўламли вазифалар ижроси, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси йўлида бутун билими, куч-қуввати, ақл-идрокини ишга солишни ният қилишмоқда.

Турсунбой РАШИДОВ,  
Ўзбекистон Фанлар академияси академиги

### Munosabat

# Инновацион фикрлаш мактабдан бошланиши зарур

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мамлакатимиз илм-фани ривожига мутлақо янги саҳифани очиб бергани билан алоҳида аҳамиятга эга.

Фанлар академиясининг нуфузини юксалтириш ва фаолиятини такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда илм-фаннинг ўрнини ошириш мақсадида қабул қилинган қарор, таълим тизими, олимлар, педагоглар олдига янги вазифаларни қўйди. Зеро, мамлакатимизда инновацион технологияларни ривожлантириш учун ёшларни инновацион фаолиятга тайёрлаш (айниқса, таълим ва техника фанлари бўйича) долзарб масалалар. Инновацион фаолиятнинг асоси инновацион фикрлаш бўлиб, у инновацион гоёлар, амалий тадқиқотлар, инновацион ишланмалар ва уларни амалиётда қўллаш каби бир қанча босқичларни ўз ичига олади ҳамда

янги гоё ва илмий ишланмаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш имконини беради.

Айтиш жоизки, инновацион фикрлаш кўникмаси ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. У муайян вақт ва фикрлаш жараёнини тезлатувчи муҳитда шаклланади. Ёшларда инновацион фикрлашнинг шакллантириш жараёнини мактабдан бошлаш мақсадга мувофиқ. Бу муҳим вазифани амалга ошириш учун таълим муассасаларида инновацион фикрни шакллантиришга доир илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, барча фанларда инновацион фикрлашга йўналтирилган ёндашувни қўллаш ҳамда дарслик ва ўқув қўлланмаларни шу руҳда яратиш зарур.

Эндиликда мамлакатимизда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини тўлақонли таъминлашнинг механизмлари яратилди. Шу маънода, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясининг хорижий мамлакатлар моделини чуқур ўрганиш ва унинг асосида Ўзбекистон шароитига хос ва мос бўлган ўз моделимизни яратиш мамлакатимизнинг инновацион ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Олий таълим муассасалари ва саноат корхоналари узвий ҳамкорлигини шартномалар имзолаш, корхона ходимлари томонидан маҳорат дарсларини ўтказиш, талабаларнинг бўлгуси иш ўринларида амалиёт олиб боришини таъминлаш, иш бевуқчаларнинг талаба таълим олиши учун зарур бўлган маблагни шартнома асосида тўлашни ташкил этиш орқали мустаҳкамлаш мумкин.

Ишлаб чиқариш ва фан ҳамкорлигининг муҳим қўриғини сифатида технопарклар фаоли-

ятини келтириш мумкин. Технопарклар фан, таълим ва ишлаб чиқариш соҳаларидаги муҳим интеграцион жараёнлар қамрови венчур тадбиркорлиги (венчур таваққалчилик асосида амалга ошириладиган илмий-техникавий, технологик тадбиркорлик тури)нинг негизи ҳисобланади ҳамда узлуксиз равишда янги гоё ва технологияларнинг ишлаб чиқиши ва амалиётга жорий этилишига ёрдам беради.

Фанлар академиясида фаолият кўрсатаётган олимларни олий таълим муассасаларига жалб этиш, иқтидорли талабаларнинг лабораторияларда олиб борилаётган илмий ишлар ва семинарларда иштирокини таъминлаш орқали фанга қизиқиши баланд, муайян ютуқларни қўлга киритган биттувчиларнинг илм билан шуғулланиши учун қўлай шарт-шароит яратилади.

«Инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар» Республика ярмаркасида илмий ишланмаларни амалиётга тат-

биқ қилиш мақсадида имзоланган шартномаларнинг бажарилишида баъзан сусткашликка йўл қўйилмоқда. Демак, ярмарка доирасида имзоланган шартномаларнинг бажарилиши бўйича мониторинг жараёнини кучайтириш жуда муҳимдир.

Фанлар академияси ва олий таълим муассасаларининг илмий-тадқиқот лабораторияларини ҳамда илгор илмий тадқиқотлар ва ишланмалар олиб бориш учун танлов асосидаги мутлақо янги ва замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган илмий лабораторияларни ташкил этишни молиялаштириш кўзда тутилган ниҳоятда қувонarli. Албатта, бу жиддий илмий тадқиқотларга кенг йўл очди.

Қарорга кўра, Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси ҳам ташкил этилади. Бу жамғарма, шубҳасиз, мамлакатимизда илм-фан ва технологияларнинг жадал ривожланишини таъминлашга йўналтирилган фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар самарасини оширишга хизмат қилади.

Комил МУҚИМОВ,  
Ўзбекистон Миллий университети профессори,  
Ўзбекистон Фанлар академияси академиги

8 март байрами арафасида мактабга одатдагидек барвақт келдим. Синфхонада беш-олти ўғил бола онасига қандай совға тайёрлаш ҳақида суҳбатлашарди.

— Мен аямга рўмол совға қилмоқчиман, — деди Азизбек.

— Энг яхши совға бу — китоб, — деди оғир-вазмин Ҳожиакбар.

— Мен эса шеър айтиб бермоқчиман, — деди Лазизбек.

— Йўқ, йўқ, — деди шошиб Ҳусанбой. — Аналар

рингизнинг онажонингизга қандай совға ёқишини билалман!

Ўқувчиларнинг вужуди қулоққа айланиб, менга тикилиб туришарди.

— Ширин сўзингиз, "аъло" баҳонгиз улар учун энг азиз совға бўлади.

Бу гапдан кейин ўқувчилар бир-бирига уй юмушларини бажаришга қарашли билан урушиб, жанжал ҳақида сўзлай бошлашди. Кузатиб турсам, яна Қобилжон ўнғайсиз аҳволга тушди. Бир нуктага тикилиб ўйланиб қолди...

**"Aziz Onajonim!  
Bugun darsda ustozimiz onalarni, opa-singillarni hurmat qilish haqida har xil voqealar aytib berdi. Ustozning hikoyalarini eshitib, o'zimdun uyalib ketdim. Haqiqiy yigit kishi ayollarni e'zozlashi kerakligini tushunib yettim. Endi sizga ham, singlimga ham qo'pollik qilmayman. Sizni yaxshi ko'raman.**


**O'g'lingiz Qobiljon".**

ning onasi" (117-бет), У.Курбоновнинг "Onam" шеъри (мультимедиа илова билан), "Odobnoma"-дан "Farzandlik burchlari" (14-бет), "Vaqti kelsa" (Т.Адашбоев) мавзуларини ўтаётганда оналарни севиш, ардоқлаш зарурлигини ўқитиб боришимиз мумкин. 3-синф "O'qish" дарслигидаги мавзулар янада тақомиллаштирилган. "Go'zal fazilat — inson husni" бўлимида "Onani rozi qilish haqida", "Ota-onani hurmatlash haqida", Сафо Очилнинг "Ota-ona duosi",


## Tajriba

бўл. Кимки ота-онасини хурмат қилса, уларни рози этса, албатта, фарзандлари ҳам уни эъзозлайди, хурматини қилади.

Кайковуснинг "Қобуснома" асаридан олинган ота-онани хурматлаш ҳақидаги ушбу парчани ўқиб беришдан аввал доскага фарзанднинг ота-она олдидаги вазифаси ёзиб қўйилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 66-моддасида белги-



# «Она меҳри менинг тафтимдан кучлироқ!»



гулни яхши кўради. Уларга гул совға қилсанг, хурсанд бўлишарди.

Ҳусанбойнинг фикрини синфдаги "гулчи" Элдорбек ҳам маъқуллади. Фақат кичик синфдаги қизларга ҳам кўпол муносабатда бўладиган Қобилжон синфдошларига қўшилмай турарди. Шу куни ўқиш дарсида Юсуф Шомансурнинг "Байрамингиз муборақ!" шеърини ўтиш жараёнида эшитганим суҳбат бўйича фикрларни ойдинлаштиришга киришдим. Ҳўш, болалар, онажонларимизга қандай совға тайёрладик?

Ўқувчилар чуғурлашиб, бирин-кетин жавоб беришди. Фақат Қобилжонгина жим.

— Болажонлар, сизларга бир сирни айтман, эшитасизми? — дедим худди муҳим гап айтмоқчидай, синфхона эшигини атайлаб маҳкамроқ ёпиб. Ўқувчиларим хайрон.

— Мен, — дедим яна ҳам паст овозда. — Ҳар би-

ўша куни дадаси билан суҳбатлашдим.

— Уйда ҳаммага кўрслик қилади. Аяси ҳозир касалхонада. Кеча ишдан келсам, синглиси билан урушиб, жанжал кўтарибди...

Эртаси куни ҳам уйга вазифани сўраб, мустаҳкамлаш қисмида оналарни, аёл-қизларни хурмат қилиш одобнинг боши эканлигини мисоллар ёрдамида тушунтирдим. "Тушунчалар таҳлили" мотоди асосида ўқувчиларга фикр билдириш имконини бердим. Айниқса, Қобилжонни икки-уч марта фалолликка ундадим. Шу тарзда шуқуҳли байрам кунлари ҳам ўтди-кетди...

Бир куни Қобилжоннинг онаси олдимга келди.

— Устоз, қандай йўл тутганингизни билмайману, ўғлим энди уй ишларида синглисига ҳам, менга ҳам ёрдам берапти, деб қўлимга бир варақ тутказди. Унга қуйидаги сатрлар битилган эди:

Мактубни ўқиб, ҳаракатларим бесамар кетмаганидан севиндим.

Таълимий-тарбиявий усуллар ёрдамида опасингиллар, аёлларни эъзозлаш, байрамларда алоҳида эҳтиром кўрсатишга ўргатиш жуда муҳим. Хусусан, 1-синф "Алифбе" дарслигининг 15-бетдаги "она, онам" сўзларини ўқишга ўргатишда, 19—25-бетдаги "Она борки" шеърини ўқитишда, 32-бетдаги "Она allasi" (ривоят), П.Мўминнинг "Mehribon o'uyjonim", "Odobnoma" дарслигининг 5-бетидеги "Vatanga mehr ona allasidan boshlanadi", 11-бетдаги "Oila odobi, oilaviy an'analar", Толиб Йўлдошнинг "Odob nima?" шеърини матни, 23-бетдаги "Inoqlikka nima etsin" матнлари устида ишлаганда шу жиҳатларга эътибор бериш лозим.

2-синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларини ҳисобга олиб, "O'qish" китобидан А.Ориповнинг "Alisher

Ўқтам Усмоновнинг "Ona mehri", Яйра Саъдуллаеванинг "Yordam berdi" ҳикоялари шулар жумласидан. Олайлик, "Onani rozi qilish haqida", "Ota-onani hurmatlash haqida" мавзусини қуйидагича ўтиш мумкин.

Кўшдан сўрашибди: — Сенинг ҳароратингдан зўрроқ ҳарорат борми?

— Бор, — жавоб берибди кўёш. — Она меҳри менинг тафтимдан кучлироқ! Ўлимдан сўрашибди:

— Сенга бас келадиган куч борми?

— Бор! — деб жавоб қилибди ўлим. — Она меҳри мен ҳам чекинтиради.

— Эй, ўғлон, онани астойдил сев, унга хизматда

лаб қўйилган фарзандлик бурчи ҳақида ҳам айтиб ўтиш жоиз.

3-синф ўқувчилари... "Ona tili" дарсида (117-бет) "Nazokat va go'zallik timsoli" матни орқали оналар ҳақида ижодий изланишга ундадим. Матнни ўқиб ўргангач, ўқувчилар "Mening onam" мавзусида кичик матн тузишди.

Математика дарсида "Билимдон" ўйини шартига кўра, мисолларни тўғри ечиб, она ҳақидаги ҳикматли сўзни билиб олишди.

5x7 — 35—ичра;  
48:6 — 8—ягонасиз;  
180:9 — 20—эй, азиз;  
620:19 — 601—она!  
750:536 — 214—олам.

35	8	20	601	214
ичра	ягонасиз	Эй, азиз	Она	Олам

Жавоб: Олам ичра ягонасиз, эй, азиз она!

Хулқарой ҚОСИМОВА,  
Балиқчи туманидаги 2-мактабнинг  
бошланғич синф ўқитувчиси

## Ўқитувчи ижодкорлиги

### Ўқувчининг пухта билим олишига қаратилади

**Ўқитувчи дарсга қўйилган мақсад ва талабдан келиб чиқиб, машгулотларни ноанъанавий тарзда олиб борса, самарадорлик таъминланади. Ўқувчиларнинг қизиқиши ортиб, билимидаги бўшлиқлар бар-тароф этилади.**

Масалан, мен дарснинг бошланшида "Энг яхши юрт — Ўзбекистон", "Энг кўркам шаҳар — Шаҳрисабз", "Энг яхши мактаб — 100-мактаб", "Энг яхши синф — 7 "А" синф", "Энг яхши ўқувчи — ўзим", "Энг яхши куним — бугун" каби кириш машқлари орқали ўқувчиларни руҳлантираман. Бу уларнинг ўзи яшайдиган туман, ўзи ўқийдиган масканга хурматини, меҳрини оширади. Дарсда фаол иштирок этиб, фикрини эркин ифода эта олади.

Шунингдек, "Занжирни узма", "Она ўрдак хафа", "Марра сари", "Мевали саватча", "Билимлар ховузчаси", "Ҳа ёки йўқ" каби ди-

дактик ўйинлардан, "Пирамида", "Зинама-зина", "Кластер", "Ақлий хужум", "Балиқ скелети" каби методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Тезкор саволлар, биологик диктант, тест топшириқлари ҳам яхши самара беради.

Янги педагогик технологияларни қўллаган ўқитувчи тез орада ўқувчиларида ижобий ўзгаришларни илғайди. Ўз фикрини исботлаш, суҳбат ва дебатларда фаол қатнашиш, гуруҳда ишлаш олиш лаёқати шаклланади. Бу "Тенгдошлар тизими"ни яратишга ёрдам беради.

Ўқувчининг билимини холисона баҳолашда ҳам янгича ёндашувга асосланиш керак. Агар жараёнда

ноҳолислик кузатилса, ўқитувчига хурмат йўқолиши, фанга қизиқиш пасайиши мумкин. Шуларни ҳисобга олиб, тажрибамда ўқувчиларни баҳолашнинг янги методини жорий этдим. Ҳамкасбларимга ҳам амалий ёрдам бўлишини ҳисобга олиб, баҳолашда "Имконият катакчаси"дан фойдаланишни тавсия этаман.

### Имконият катакчаси

Имконият	1	2	3	4	5
Балл	1				

Ўқувчиларнинг ҳар бирига ушбу жадвал тарқатилгач, уларда 45 дақиқа давомида 5 имконият пайдо бўлади. Яъни, дарсда иштироки (дарсга кечиккан ўқувчи бир балдан маҳрум бўлади), ўқув

қуролларининг мавжудлиги, уйга берилган топшириқни бажарганлиги, уйга вазифани ва янги мавзунини ўзлаштиришдаги фаоллиги учун 1 балдан берилади. Натижада ўз-ўзини баҳолаб борган ўқувчи дарс якунида жами 5 балл тўплайди.

Бу метод орқали барча ўқувчиларни баҳолаш имконияти туғилди ва, энг асосийси, норозилик, эътирозга ўрин қолмайди. Давомат яхшиланиб, ота-оналар ҳам

фарзандининг баҳосидан хабардор бўлиб боради.

Хуршида АШУРОВА,  
Шаҳрисабз туманидаги  
100-мактабнинг биология фани  
ўқитувчиси

2017-yil 4-mart, № 18 (8979)

# «I like Navruz!»

## Ўқувчиларга миллий байрамни чет тилида ўргатадиган қизиқарли мавзу

**Юртимизга баҳор фасли кириб келди. Айни кунларда Наврўз байрами, табиатда юз бераётган ўзгаришларни 5-синф ўқувчилари чет тили дарсларида ҳам ўрганишмоқда. Сергели туманидаги 8-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Гулчехра Раҳимова «I like Navruz!» дарсини мутахассислар гуруҳи иштирокида кузатганимизда ўқувчилар миллий байрамимиз ҳақидаги фикрларини инглиз тилида баён этишининг гувоҳи бўлди.**

**Педагогик вазият:** Дарсинг кириш қисми ҳаракатли ўйин билан бошланди. 14 нафар ўқувчи қарсақ чалган ҳолда бирма-бир "My name is Marjona, I like Navruz!", "My name is Bobur, I like Independence Day!"... дея ўзини таништириб чиқди.

**Эксперт хулосаси:** — Бу ўйин ўқувчиларни дарс муҳитига олиб кирди, — дейди худуддаги 7-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Хуршида Халилова. — Барча ўқувчиларни бирдек фаоллаштириб, диққатини жамлашга, синфда дўстона вазият яратилишига ёрдам берди. Педагогик жиҳатдан аҳамияти — ўқувчилар ўтилган мавзуларни эса олиб, миллий байрамларимиз номини инглиз тилида айтди.

**Педагогик вазият:** Ўқитувчи сокин мусиқа жўрлигида сумалак таъинини сўзлай кетди: — *Once upon time there was a woman with her children. One day her children were hungry and they want to eat something delicious. It was spring time and there wasn't anything to eat in family. All wheat was planted. The woman was wonder. She did not know what to do. She dig the ground and took new grown wheat. She squeezed the wheat and make a souce. Then she put it in the pot. The souce became boiling. They waited... waited... and waited. But there was not any result. The children who were tired from waiting fall asleep. At night seven angels came around the pot and said lots of wishes. They also put magic taste in it. In the morning when they opened the pot they saw an unusual dish. It was ... Sumalak. In persian "su" — means seven, "malak" — means angels...*

Хикоя жараёнида ўқитувчи расмларни доскага матнга мос равишда жойлаштириб борди.

**Эксперт хулосаси:** — Наврўз ва сумалак тарихини ўқитувчи мусиқа садоси остида хикоя қилиши



### Dars — mutaxassis nigohida

ўқувчилар руҳиятига ижобий таъсир этди, — дейди Сергели тумани ХТМФМТЭБ хорижий тиллар методисти Мунира Давлонова. — Дарсга эркинлик бағишлаган бу вазият ўқувчиларни инглиз тилидаги сўзлар устида ишлашга ундади. Суратларнинг матнга мос равишда доскага жойлаштирилиши эса ўқувчилар нотаниш сўзлар иштирокидаги ривоятни тушуниб олишига ёрдам берди.

**Педагогик вазият:** Ўқитувчи болаларга китобларини ёниб қўйишни тайинлаб, уларни икки гуруҳга бўлди ҳамда дарсликда берилган куйидаги матнни карточкаларга ёзилган ҳолатда тарқатди. Фақат дарсликдагидан фарқли ўларок, матнда феъллар "тушириб қолдирилган":

21 March is the Navruz holiday. It is the Asian New Year. People in Central Asia ... this holiday. There is a lot of music, dancing and singing. People in our country ... it very much. They ... on this day. They visit their friends and family and say "Happy Navruz". They ... them to their homes. Often they ... their children to the park. This is the first day of the spring holidays in schools. Children ... Navruz.

Нукталар ўрнига қўйиладиган сўзлар: *do not work, love, take, like, invite, celebrate.*

**Эксперт хулосаси:** — Дарсликда берилган матн билан ўқувчиларнинг бу тарзда таништирилиши дарсга интерфаол тус берди, — дейди тумандаги 6-ИДУМнинг инглиз тили ўқитувчиси Дилноза Ҳожиметова. — Аънанавий дарсда ўқитувчи ушбу матнни ўқувчиларга бирма-бир ўқитиши кузатилади. Бунда бутун синф ўқиши учун вақт етмаслиги аниқ. Бироқ матндаги

сўзларнинг тушириб қолдирилгани ўқувчига, биринчидан, ўтилган феълларни ёдга олиш имконини берган бўлса, иккинчидан, жамоа бўлиб ишлаш, тезликда топшириқни бажариб, рабатга эга бўлиш иштиёқини оширди.

**Педагогик вазият:** Ўқитувчи "Lollipop sticks" усулидан фойдаланиб, карточкалардаги куйидаги саволларга ўқувчилардан жавоб олди:

1. New year begins...
2. Independence Day is...
3. School children do not study...
4. Women's Day is...
5. Teacher's Day is...
6. Navruz is...

Нукталар ўрнига қўйиладиган сўзлар: *in June and August, on 21 March, on 8 March, on 1 September, on 1 January, on 1 October.*

**Эксперт хулосаси:** — Саволларга жавоб бериш жараёнида ўқувчилар *on, in* предлогларини ўрнида қўллашга ҳаракат қилди, — дейди методист Мунира Давлонова. — Шунингдек, тартиб сонларини қўллашдаги хатоларини тузатди. Олайлик, бир ўқувчи "Independence Day is on one(1) September" деган жумлани ишлатди. Сўнг ўз хатосини "Independence Day is on first(1) September" тарзда тўғрилади. Агар ушбу топшириқ ўқувчиларга шунчаки "Байрамлар нишонланадиган санани топинг", деб берилса, ўқувчи вазифани осонлик билан бажарарди. Айни ҳолатда эса, предлоглар ҳамда тартиб сонларининг ишлатилиши юзасидан малакалар мустаҳкамланди.

**Педагогик вазият:** Ўқувчилар куйидаги саволларни эшитгач, "True" ва "False" сўзлари ёзилган стулларга ўтиришга шошилди:

1. Children love Navruz.
2. Navruz is a winter holiday.
3. It is the Asian New Year.
4. People visit their friends and family.
5. We don't listen to music at Navruz.
6. Children don't go to school on 21 March.

Ўйин шартини шундай: ўқувчи агар ифода тўғри бўлса, "True", нотўғри бўлса, "False" стулидан жой олишга интилади. Дидактик ўйин сўнги-

да фаол иштирокчилар мойчечак гуллари билан тақдирланади.

**Эксперт хулосаси:** — Мавзунини ўргатишда "True \ False" ўйинидан ўринли фойдаланилди, — дейди Дилноза Ҳожиметова. — Айниқса, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида ўқувчилар мавзу доирасида ўрганганини ҳам такрорлаб, ҳам мустаҳкамлади. Феълларнинг бўлишли ва бўлишсиз шаклини ажратиб, тезкорликда тинглаган маълумотига муносабатини намойиш этди. Жараёнда ўқувчилар тинглаб-тушуниш компетенциясига таянишди.

**Педагогик вазият:** Ўқувчилар доскага илинган миллий чолғу асбобларининг номини айтиб, жаҳонда уларга ўхшаш қандай мусиқа асбоблари борлигини билиб олишди. Миллий чолғу асбоблари тўғрагагига қатнашадиган доирачи ва ногорачи ўқувчилар мусиқа ижро этишди. Қолган ўқувчилар эса «When Navruz will come to us» кўшигини куйлашди... Ўқувчилар синфдан баҳорий кайфият билан чиқиб кетишди...


**Эксперт хулосаси:** — Дарсга бундай ижодий дақиқаларнинг киритилиши ўқувчини фанга қизиқтиради. Кузатганимиздек, ўқувчилар миллий чолғу асбобларининг дунё мамлакатларида қандай эквивалентлари учрашига қизиқди, педагог ёрдамида саволларига жавоб олди. Дарсда фақатгина ўқитувчи савол бериб, жавоб олмади, балки ўқувчилар ҳам ўз саволлари билан устозига мурожаат қилишди. Айни ҳолат бугунги кунда инглиз тили дарсларига қўйилаётган талабга тўлиқ жавоб беради.

Тахлилчилар гуруҳи ёш ва изланувчан ўқитувчининг дарсга ижодий ёндашганини эътироф этишди. Бу ўринда Гулчехра Раҳимова шундай фикр билдирди:

— Мен ҳар доим "Қандай қилиб синфдаги аълочи ўқувчиларнинг доминантлигидан қочиш мумкин?" деган саволга жавоб излардим. Чунки аксарият ҳолатларда педагог хоҳламаса-да, саволларга жавоб беришда аълочи ўқувчилар фаол бўлишди, бўш ўзлаштирувчилар эса ўзини четга тортади. "Йилнинг энг яхши чет тили ўқитувчиси" кўрик-танловида ғолиб бўлиб, Англияда ижодий сафарда бўлганимизда хорижий ҳамкасбларимнинг кўпинча "Lollipop sticks" усулига мурожаат этишига гувоҳ бўлдим. Бу усулга кўра ўқитувчи кўлида барча ўқувчилар исми ёзилган таёқчалар бўлади. Ўқитувчи таёқчани тортганда, кимнинг исми қайд этилган бўлса, саволга ўша жавоб беради. Бу усул қўлланганда барча ўқувчи топшириқни диққат билан тинглаган экан. Чунки беварқлик қилган ўқувчи исми тўсатдан тилга олинганда жавоб беролмай қолиши мумкин. Шу сабаб барча "ҳозир мен жавоб беришим мумкин" дея таяёр туради.

Насиба ЭРХОНОВА,  
"Ma'rifat" муҳбири

В.ГРАНКИН олган суратлар.



2017-yil 4-mart, № 18 (8979)

“Оммавий китобхонлик ҳафталиги” кунлари ахборот-кутубхона муассасалари томонидан ташкил этилиши учун тавсия қилинган тадбирларнинг намунавий дастури

“Олимавий китобхонлик ҳафталиги”

Ўқувчилар китобхонлиги даражасини ва мутолаа фаоллигини оширишга кўмаклашади

“Китоб — бойлик. Сотиб олингани эмас, ўқилгани”, деган эди ёзувчилардан бири. Чинданам, инсон оламни таниш, ҳаёт маънисини англаш, яшашдан мурод нелигини тушуниш илмий ҳаётнинг китоб ўқийди. Ҳеч бир завқ мутолаа завқига тенг эмас. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши, шубҳасиз, барчамизни қувонтирди. Халқ миллатга, йиғилар баркамол ўлганга, муноси опа-сингиллар маърифатли онага айланиши учун ҳам китоб, адабиёт, мутолаа зарур. Лекин бунда китобни чоп этиш, дўкон пештахтасига келтириш билан иш битмайди, уни тарғиб этиш, мутолаа маданиятини оширувчи тадбирлар, турли-туман лойиҳалар керакки, энг олис қишлоқдаги хонадон аҳли ҳам пойтахтда шуълаланган маърифат зибидан баҳра олсин. Бу йил ўтказиладиган “Оммавий китобхонлик ҳафталиги” ҳам хайрли ишларимизнинг сарчашмаси бўлса, ажабмас!

Замонавий интеллектуал билимларга эга қилган шахсни шакллантириш учун шароит ва имкониятларни яратиш ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири, китоб ва китобхонликни омалаштириш жараёни эса унинг ажралмас қисmidир. Болаларни китоблар оламига олиб кириш жараёни қандай кечаётгани мамлакат келажаги учун муҳимдир. Айнан шунинг учун ёш авлоднинг ахборот жамияти ҳаётига тайёрлаш вазифаси ўқувчи-ёшларнинг китобхонлик маданиятини шакллантириши умумда давлат аҳамиятига эга масалага айлантиради.

Ҳозирги кунда ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари олдида турган асосий мақсад — маънан етув, яратувчилик, ижодий қобилиятга эга, билимли, эркин, ҳаётсевар, мустақил шахсларни тарбиялаш ва ривожлантиришдир. Бу мақсадларни амалга ошириш, ўқувчиларнинг китобхонлиги даражасини оширишга сифат жиҳатдан янги ҳаёт шартлари талаб қилади.

Ушбу фаолиятда мақсуд дастурлар, китобхонлиқни қўллаб-қувватлаш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ўқувчи ва ёшларни оммавий тарзда мутолаага жалб этиш йўли билан самарадорликка эришиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, республика илмий-педагогика кутубхонаси томонидан ўқувчилар китобхонлигини ривожлантириш бўйича жорий йилнинг 3—8 апрель ҳамда 23—28 октябрь кунларида “Оммавий китобхонлик ҳафталиги” лойиҳаси амалга оширилади.

Лойиҳа ахборот-кутубхона муассасаларида ўқувчиларнинг билим олишга қизиқишларини шакллантириш, мутолаа маданиятини тарбиялаш, китобхонлиқни ривожлантириш ва фаол китобхонлик даражасини ошириш бўйича фаолият йўналишларига инновацион ёндашувларни татбиқ этиш, улар

вакиллари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш; — ахборот-кутубхона муассасасини интеллектуал, ахборот ва дам олиш марказига айлантиришдир.

“Оммавий китобхонлик ҳафталиги” ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари жамоатчиликни жалб этган ҳолда қуйидаги тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишни ҳам назарда тутди:

— “Мақтаб кутубхонаси шахсининг ахборот маданиятини, ўқувчи ёшларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш маркази сифатида” мавзусида вилоят илмий-амалий конференцияси;

— “Мақтаб кутубхоналарини ривожлантириш соҳасида кутубхона сиёсатини шакллантириш учун бошқарув ёндашувларини модернизациялаш” мавзусида давра суҳбати;

— Мақтаб кутубхоналарини ривожлантиришнинг инновацион лойиҳалари ярмарка-кўргазмаси;

— Кутубхона ходимларининг ижодий ишлари кўргазмаси.

“Оммавий китобхонлик ҳафталиги” лойиҳаси Республикада вилоятлар миқёсида ўқувчиларнинг мутолаа маданияти даражасини оширишга қаратилган тадбирларни ҳам ўтказиши.

Унда: — “Олимавий китобхонлиқни ташкил этишнинг асосий шакллари”

— ёзувчилар, шоирлар, жамоат ва ёшлар ташкилотлари вакиллари билан ижодий учрашувлар;

— интерактив-иллюстратив китоб кўргазмалари, янги адабиётларнинг очиқ кўргазмаси;

— китобхонлиқни ривожлантириш ва ўқувчиларнинг китобхонлик доирасини кенгайтириш бўйича мастер-класслар;

— марокли ўйинлар кўмағида ўқувчиларда мутолаага қизиқиш уйғотувчи болалар ва ўсмирлар адабиёти асарлари бўйича танловлар, адабий ўйинлар, викториналар, мунозаралар;

— виртуал кўргазмалар, ўқувчилар учун энг яхши электрон ресурслар мультимедиа тақдимотлари;

— китобхонлик, шахсининг интеллектуал, маънавий, эстетик ривожланиши масалалари бўйича “Ахборот кунлари” ташкил этилиши режалаштирилган.

Лойиҳани амалга ошириш шартли равишда уч босқичдан иборат бўлиши мумкин:

1. Ахборот-тайёргарлик босқичи — лойиҳа тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги низоми ишлаб чиқиш бўйича педагогик жамоатчилик ҳамда ахборот-кутубхона муассасалари кучларини бирилаштириш.

2. Асосий босқич — лойиҳа тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш.

3. Яқуний босқич — лойиҳа якуни ва тантанали ёпилиш маросими.

Table with 5 columns: №, Тадбир номи, Тадбирнинг ўтказиш шакли, Масъуллар, Иштирокчилар. It lists various activities like 'Уқувчилар китобхонлиги даражасини ва мутолаа фаоллигини оширишга қаратилган "Оммавий китобхонлик ҳафталиги" лойиҳасининг очилиши', 'Иллюстратив китоб кўргазмаси ҳамда болалар адабиёти, бадий ва илмий-оммабоп китоблар, шунингдек, болалар ва ўсмирлар китобхонлиги масалаларига бағишланган адабиётларнинг янги экспозициялари тақдими', etc.

Table with 4 columns: 1, 2, 3-кун, 4-кун, 5-кун. It lists activities for each day, such as '“Болалигиниз китоб билан чаргон бўлишни хоҳлаймиз”', '“Экранда сеvimли китобим”', 'Плаклар тавлови: “Мутолаа ажойиб машғулот”', etc.





## ХАБАРНОМА

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти **2017 йилнинг 14-15 апрель кунлари** глобаллашув жараёнида таълим муассасалари фаолиятини инновацион таълим технологиялари асосида такомиллаштириш, шу орқали таълим жараёни сифати ва самарадорлигини таъминлаш, таълим муассасаларининг электрон ахборот-таълим муҳитини яратиш ва жорий этиш муаммоларига бағишланган **“Ўқув жараёнига зamonaviy инновацион технологияларни жорий этиш: муаммолар ва ечимлар”** мавзусида республика илмий-амалий анжуманини ўтказди.

**Анжуман куйидаги йўналишларда иш олиб боради:**

**1-йўналиш.** Глобаллашув жараёнида таълим муассасалари фаолиятини инновацион таълим технологиялари асосида такомиллаштириш усуллари.

**2-йўналиш.** Ўқув жараёнига зamonaviy инновацион технологияларни жорий этиш орқали таълим жараёни сифати ва самарадорлигини таъминлаш муаммолари.

**3-йўналиш.** Ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали таълим жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш йўллари.

**4-йўналиш.** Таълим муассасаларининг ягона электрон ахборот-таълим муҳитини яратиш ва жорий этиш муаммолари.

Илмий-амалий анжуман материаллари тўпلام ҳолатида чоп этирилиши режалаштирилган.

**Анжуманнинг расмий тили:** ўзбек ва рус тиллари. Мақолалар матнини тайёрлаш бўйича талаблар:

1. Матнлар Microsoft Word матн муҳаррири ёрдамида, Times New Roman шрифтида, 14 ўлчамда, А4 формат қоғозда, 1,5 интервалда, юқори ва пастдан 2 см, ўнгдан 1,5 ва чапдан 3 см қолдирилган ҳолда тайёрланиши лозим.

2. Мақола матни сарлавҳасидан кейин муаллиф(лар)нинг исми, отасининг исми ва фамилияси, илмий даражаси, иш жойи кўрсатилиши, 1 интервал ташлаб асосий матн келтирилиши керак.

3. Мақолалар ҳажми А4 форматда 3-5 саҳифада 1 нусхада ва электрон вариантда **2017 йил 1 апрелга** қадар таҳрирдан чиқарилиб, келтирилган талаблар даражасида ташкилий кўмитага етказилиши лозим.

4. Тақдим қилинадиган материаллар анжуман мавзусини акс эттириши ва қайси йўналишга мослиги кўрсатилиши керак.

Мақолада баён этилган маълумотлар, уларнинг илмий-назарий асосланганлиги ва методик жиҳатлари бўйича муаллиф(лар) масъулдирлар.

Мақолалар илмий савияси бўйича ташкилий кўмита томонидан танлаб олинади. Белгиланган талабларга жавоб бермайдиган мақолалар анжуман материаллари тўпلاميға киритилмайди ва кўлэмзаси қайтарилмайди.

Ташкилий масалалар ва анжуман материаллари тўпلامي муаллифларнинг олдиндан тўланган бадаллари ҳисобидан чоп этилади (мақоланинг ҳар бир саҳифаси учун 10 000 (ўн минг) сўм тўланади).

**Институт банк реквизиитлари:**

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти (ЎзПФИТИ).

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги газначилиги.

Ғазна х/р 23402000300100001010,  
Институт шахсий х/р 400110680262777950100075004  
ИНН: 200794463, МФО: 00014, ОКОНХ: 95110.

**Анжуманнинг ўтказилиш жойи ва манзили:** 100027, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси 98, Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти. Телефон, факс: 0(371) 227-45-67, 0 (371) 140-02-26.

E-mail: uzpfitikonf1504@inbox.uz, jn-yakubov@mail.ru

**ТАШКИЛИЙ КЎМИТА**

## АХБОРОТ ХАТИ

Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 15 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 февралдаги 126-Ф-сонли фармойиши ижроси тўғрисида”ги 46-сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида **2017 йилнинг 21-22 апрель кунлари** “Халқ таълими тизимидаги “Маҳорат мактаблари” фаолиятини ташкил қилишнинг илмий-назарий ва методологик асослари” мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилади.

**Анжуман ташкилотчиси:** Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти.

**Анжуман куйидаги шўьбалар бўйича ташкил этилади:**

**1-шўьба — “Халқ таълими тизимидаги “Маҳорат мактаблари” фаолиятини ташкил қилишнинг зamonaviy тенденциялари.**

**2-шўьба — “Маҳорат мактаблари”-да ўқитувчиларнинг узлуксиз касбий маҳоратларини оширишнинг илмий-назарий ва методологик масалалари.**

**3-шўьба — “Маҳорат мактаблари” ўқув машғулотларини ташкил қилишнинг инновацион педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялари.**

**4-шўьба — “Маҳорат мактаблари”-да фаолият олиб бораётган илғор, ижодкор, ташаббускор, фидойи ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини оммалаштиришнинг долзарб масалалари.**

Анжуман материаллари тўпلام шаклида чоп этилиши режалаштирилган.

**Анжуманнинг расмий тили:** ўзбек, рус, инглиз.

**Анжуман учун тайёрланадиган илмий мақолалар мазмунига қўйиладиган талаблар:**

1. Мақола “Маҳорат мактаблари” фаолиятини янада такомиллаштиришнинг илмий-назарий, методологик масалаларига қаратилиши лозим.

2. Мақолада кичик илмий ёки илмий-методик муаммо кўтарилиши ҳамда унинг ечими кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир.

3. Илмий мақолаларда таклиф этилаётган фойларнинг мазмуни, назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилиши лозим.

**Анжуман учун тайёрланадиган мақолаларни расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар:**

1. Мақолалар матнлари MS WORD матн муҳаррири ёрдамида Times New Roman шрифтида, 14 ўлчамда, 1,5 интервалда, юқори ва пастдан 2 см, чап-

дан 3 см, ўнгдан 1,5 см жой қолдирилган ҳолда тайёрланиши лозим.

2. Матн сарлавҳаси катта ҳарфлар билан қорайтириб (“жирный”) ёзилиши керак, ундан кейин муаллиф(лар)нинг исми, отасининг исми ва фамилияси, илмий даражаси, иш жойи кўрсатилади, сўнг матн келтирилиши лозим.

3. Мақоланинг инглиз, рус ва ўзбек тилларида резюмеси (2-3 жумлада), таянч тушунчалар эса матн изчиллигида расмийлаштирилади. Жадваллар, чизмаларнинг рақамлари ва ёзувлари уст қисмга жойлаштирилади.

4. Ҳаволалар саҳифа тагида берилди, унда адабиётнинг муаллифи, номланиши, нашриёти, нашр йили, фикр олинган бети асосланган саҳифаси кўрсатилади ҳамда ўрнатилган тиниш белгилари тизимига амал қилинади.

5. Мақолалар ҳажми 3-5 саҳифадан ошмаган ҳолда бир нусхада ва электрон вариантда **2017 йилнинг 20 март** кунига қадар таҳрирдан чиқарилиб, белгиланган талаблар даражасида ташкилий кўмитага етказилиши лозим.

6. Ҳар бир муаллифдан 2 (икки) талдан ортиқ мақола қабул қилинмайди.

Мақолалар илмий савияси бўйича ташкилий кўмита томонидан танлаб олинади. Қўйилган талабларга жавоб бермайдиган мақолалар чоп этилмайди ва кўлэмзаси муаллиф(лар)га қайтарилмайди.

Баён этилган маълумотлар ва уларнинг илмий-назарий асосланганлиги ҳамда методик жиҳатлари бўйича муаллиф(лар) масъулдир.

**Анжуманда қатнашиш учун ҳар бир иштирокчи куйидаги намунадаги талабномани тўлдирishi шарт:**

1. Иштирокчининг Ф.И.О.
2. Шўьба номи.
3. Мақоланинг мавзуси.
4. Лавозими, илмий даражаси, унвони.
5. Иш жойи.
6. Мобиль ёки иш жойи телефони (махсус коди билан).
7. E-mail.

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Миробод кўчаси, 14-уй.

**Мурожат учун телефонлар:** (0-371) 215-50-94, 215-52-81, 215-52-93

**E-mail:** moimahorat@inbox.uz ва moimetodist@inbox.uz

**Масъуллар:** Ў.Тоҳиров (90) 372-01-04; Ж.Бекназаров (90) 566-09-32.


Ахборот хати ва анжуман ҳақидаги қўшимча маълумотлар институтнинг [www.giu.uz](http://www.giu.uz) сайтида берилган.

**ТАШКИЛИЙ КЎМИТА**

## Ўқувчилар қизиқишини оширган дарслар

Ўқувчиларнинг аниқ фанлар, айниқса математика фанига қизиқишини ошириб бориш мақсадида турли фестиваллар, тўғарак машғулотлари ташкил этилмоқда. Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 16-мактабда ўтказилган очик дарслар ҳам ўқувчиларнинг мазкур фандан олган билимларини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Фан ўқитувчиси Лола Аҳмедова 5-синфлар учун «Ўнли касрларни қўйиш ва айириш» мавзусида, Манзура Аминжоннова 8-синфлар учун «Квадрат тенгламаларни ечиш» мавзусида очик дарс ўтиб, ўқувчиларнинг ушбу мавзуларни



қай даражада ўзлаштирганлигини аниқлаб олдилар. Дарсларнинг кўргазмали воситалар ва зamonaviy ахборот технологиялари асосида олиб борилгани ўқувчилар қизиқишини янада оширди.

Мактабда математика тўғараги намунали йўлга қўйилгани сабаб ўқувчиларнинг ушбу фандан билимлари юқори, билимлар беллашуви ва фан олимпиадаларида фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашмоқда. Ўқитувчиларнинг очик дарслар, фан тўғарақларини қизиқарли ташкил этиши ўз самарасини бераёттир.

**Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.**

2017-yil 4-mart, № 18 (8979)

# Буюк ишларга ундовчи кудрат

Доғистон томонларда дийдаси қаттиқ, тошбағир одамлар ҳақида гап кетганда: “Унга онаси алла айтмаган”, дейишаркан. Бир қарашда содда туюлган бу ибората олам-олам маъно яширин. Фарзанд дунёга келган кундан эътибор ўзига нисбатан бўлаётган муомалани сеза бошлайди. Бир ойлик чақалоқ табассумингизга жавобан жилмайиши ёки кўпол овоздан чўчиб йиғлаб юбориши каби ҳолатлар бунга яққол мисол бўла олади. Ота-онанинг ҳар бир сўзи, хис-туйғу ва хатти-ҳаракати боланинг ўзи тўғрисидаги тасаввурига, ўз-ўзига берадиган баҳосига таъсир ўтказмасдан қолмайди. Фарзанд — кўзгу, уйдаги муҳит унинг юриш-туришида, гап-сўзида акс этади. Унга қараб туриб, оиласидаги муомала, эътибор, тарбия ҳақида ўқиб олиш қийин эмас.

бўлса керак, кенжам уч-тўртлар чамаси. Бир куни кенжам Моҳидил:

— Эна, алла айтманг...

— деди хўрсиниб.

— И-и, нега? — сўрадим хайрон бўлиб. Боласи тушмагур:

— Мана бу ерим ғалати бўлиб, йиғлагим келаяпти, — деди чап кўксига бармоқ нуқиб.

— Нега йиғлагинг келди?

— Билмасам, сизга раҳим келаяпти... — дейдида, курмагур.

Ая сертомир қўллари билан мижжаларини артиб, менга юзланди:

— Балки, мунгли куйлагандирман-у, ўзим сезмагандирман. Гап бунда эмас, ҳамма гап алланинг болага қандай таъсир кўрсатганида. Уч-тўрт яшар бола аллани эшитиб, юраги ўртанаётганини сезаяптими, раҳм нималигини тушунаяптими, алланинг тарбияси бу! Аллани ҳамма она айтиши шарт. Мана, ҳозир болаларимнинг энг каттаси олтимшидан ошди. Моҳидилим эллик тўртга чиқадди. Болаларим йиғилишса, ҳозир ҳам алла айтиб беришимни сўрашади, баллики эслаймиз, дейишади. Алла ёш танламас экан-да. Шунинг учун, ёш қизларимга маслаҳатим, фарзандларига кўпроқ алла айтсин, орзуниятларини кўшиб айтишсин, — деди Моҳира ая кулиб.

Пиру бадавлат аянинг ҳаётий тажрибалари, маслаҳатларини қўлогимга кўргоғиндай кўйиб олдим. У киши билан хайрлашиб, ўзимни қизиқтирган яна бошқа саволларга жавоб олиш учун Андижон шаҳридаги 35-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида она тили ва адабиётдан дарс берувчи Раъно Абдуллаеванинг алла ҳақидаги фикрлари билан қизиқдим.

— Алла халқ оғзаки ижодининг энг қадимги намуналаридан ҳисобланади. Асрлар, йиллар давомида сайқалланиб, жиловланиб, бизгача бус-бутун етиб келган дурдона. Дарсимнинг ушбу мавзуга тааллуқли қисмида, айниқса, алла ҳақида ўқувчиларимга кенгрок тушунча беришга ҳаракат қиламан. Чунки ҳар бир ўқувчим — бўлғуси ота ва она, келажак авлод тарбияси, маънавиятига масъул. Руҳиятшунослар фикрича, инсон боласининг ақл-идроки, феъл-атвори, асоҳсан, тўрт-беш ёшгача шаклланиб бўлади. Унинг бу беш йил давомидаги тарбияси келгуси ҳаётининг пойдевори ҳисобла-



Umuminsoniy qadriyatlar

Инсон ҳаётда ўз ўрнини топиб, муваффақиятга эришиши ёки аксинча, ҳаёт йўлларида адашиб, бемақсад тентираши — буларнинг бари, аввало, она тарбияси туфайли юзга келади. Онанинг фарзандга берадиган илк тарбияси эса, бу унинг меҳри. Алла — ана ўша меҳрнинг ифодаси! Аллатингалаган гўдак олижаноб ва оқкўнгил бўлиб улғаяди, унинг тийнатида эзгу фазилатлар, қобилиятлар шакллана боради ва буюк истақлар оғушида вояга етади.

Қарасак, қизча бешик қаршисида тик туриб, уни тебратганча, аллақандай оҳанг билан аллага тақлид қилгандай, гўё куйлапти. Юқори пардалари келганда овозини баландроқ кўтариб ҳам кўйяпти. Бешик ичида паҳмоқ айикча. Иккаламиз ҳам анқайиб қолдик. Ҳали бир-икки бўғиндан ортиқ сўз гапиролмайдиган боланинг аллага мос овоз чиқариб, бешик тебратиши мени жуда ҳаяжонлантирди.

— Аналик инстинктими бу? — сўради дугонам ўзиям лол қолганча.

— Алланинг таъсири! — дедим тўлқинланиб.

Ўша куни ўртоғимникидан қайтар эканман, алланинг сеҳрли кучига яна бир қарра амин бўлдим. Кўрганларим ҳақида маҳаллаимиздаги кекса онахоннинг ҳам фикрларини билишга ошиқдим. Саккиз нафар фарзанднинг онаси, ўттизга яқин неваранинг бувиси, йигирмадан ортиқ чеваранинг момоси Моҳира ая — маҳалламиз фахри, ибрат мактаби. Воқеани уларга сўзлаб бердим. Момонинг йиллар ўзизини қолдирган серажин юзига табассум инди:

— Ана, кўрдингми, болам! Бу одат бизга, хў-ўв қадимдан, момоларимиздан мерос. Алла болани фақат ухлатиш учун айтилмайди. Агар она сути боланинг ўсиши учун энг керакли озуқа бўлса, алла — руҳ озиғи. Бола она сутидан жисмонан ўсиб-улғайса, она алласидан маънан камол топади.

— Фарзандларингизга кўп алла айтганмисиз? — сўрадим қизиқсиниб.

Моҳира ая узоқларга хаёлча тикилиб қолди ва деди:

— Алла айтмаган кунларим бўлмаган ҳисоб, болам. У пайтлари тилвизирлар қайда, билганимиз эртагу масал, алла эди. Болалар, айниқса, аллани жуда яхши кўрарди. Эсимда, фарзандларим танча атрофига тизилишиб, доира бўлиб ётишиб, алла эшитишмагунларича ухлашмасди. Ўшанда каттам ўн ёшлар

нади, келажакда қандай инсон бўлиб вояга етишини белгилаб беради. Бола бу даврда яқинларининг эътибори, руҳий далдасига, эрқалатиши, ва ҳатто, мактовига доимий эҳтиёж сезади. Агар у бундай ғамхўрликдан маҳрум қилинса, руҳиятида салбий ўзгаришлар пайдо бўлади. Ўзига ишончи сусайиб, иродаси бўш, кўрқоқ ёки асабий бўлиб улғайиши ҳеч гап эмас. Мана шуларни эътиборга олсак, фарзанд тарбиясида алланинг ўзини биллиб оламиз. Чунки аллада рағбат, мактов мужассам. У болани буюк ишларга ундовчи, руҳлантивучи кудратга эга. Аҳли донишлар кўп ва хўб таъкидлаганидек, бола тарбияси у туғилмасидан аввал, она қорнидалик пайтидан бошланади.

Бу ҳикматни дунё олимлари илмий жиҳатдан асослаб беришга уриниб, мусиқанинг ҳомилига таъсирини ўрганиб чиқишди. Бунинг учун кўнгилли ҳомиладор аёлларни икки гуруҳга ажратиб, тажриба ўтказишди. Биринчи гуруҳ аёлларига жаз, поп каби сершоҳин мусиқадан, иккинчи гуруҳга эса Шопен, Моцарт каби буюк бастакорларнинг мумтоз куйларидан эшиттиришди. Жараён бевосита махсус ультратовуш текширувчи мосламалари ёрдамида назорат қилинди. Натижага кўра, биринчи гуруҳ аёлларининг ҳомилисида зарбли мусиқа таъсирида кучли безовталаниш, юрак уриши ҳам тезлашгани қайд этилди. Иккинчи гуруҳда эса аксинча, бола ҳолати ва юрак уриши бир маромда экани кузатилган. Бундан кўриниб турибдики, гўдак ҳали туғилмасдан туриб, ташқи таъсирларни сезади, мусиқанинг фарқига боради.

Шу маънода алла тинчлантивучи куй ҳамдир. У боланинг мия фаолиятига йжобий таъсир кўрсатади. Сокин куй таъсирида уйқуга қонган бола ҳуда-бехудага инжиқлик қилавермайди.

Аждодлар ёди ва хотирасини ўзида бор бўйича мужассам этган алла оҳангидан фарзандларимизни баҳраманд қилайлик, уларни муносиб авлод қилиб тарбиялайлик, токи улар ишларга қодир бўлиб улғайсин...

**Наргиза ШОДМОҶОВА,**  
ЎЗМУ талабаси

**Алла қайси тилда янграмасин, ҳаммаси бирдек суюмли ва ёқимли. Барчасида болаларга аталган энг ширин сўзлар, соф ниятлар, орзу-истаклар мужассам. Эндигина дунёга келган мурғак гўдак қалбига, шуури ва руҳиятига бу майин куй орқали онанинг бегубор туйғулари синга бораркан, ўша пайтда ноқ бола тарбиясида ижобий таъсирини бошлайди. Ишонмай-сизми? Яқинда ўзим гувоҳи бўлган воқеа сўзим исботи бўла олади:**

Кўпдан бери кўришмаган дугонамни йўқлаб уйига бордим. Маржона исмли қизалоғи яқиндагина бир ярим ёшни қаршилаган эди. Ҳали тўлиқ гапиролмайдиган қизалоқ оstonада менга пешвоз чиқди. Кўлини кўксига қўйиб, бошини эгиб таъзим қилди-да, пилдираб ичкари кириб кетди. Унинг хатти-ҳаракатига кулиб юбордик. Меҳмонхонада дугонам билан ўтган-көтган воқеаларни эслашиб ўтирсак, ичкари хонадан Маржонанинг овози эшитилди.

— Кўшиқ айтаяптими? — хайратланиб сўрадим.

— Шунақага ўхшайди, қани юр-чи! — деб дугонам кўшни хонага бошлади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди 2017 йилда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида муҳим ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишга давлат ижтимоий буюртмаларини тақдим этиш учун танлов ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

№	ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни талаб қилувчи давлат органлари фаолиятининг устувор йўналишлари, давлат ижтимоий буюртмасининг мақсади, вазифалари ва шартлари	Давлат буюртмачиси	маблаг (млн. сўм)	№	ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни талаб қилувчи давлат органлари фаолиятининг устувор йўналишлари, давлат ижтимоий буюртмасининг мақсади, вазифалари ва шартлари	Давлат буюртмачиси	маблаг (млн. сўм)
<p>1. Аҳолини, биринчи навбатда болалар, ёшлар, аёллар ва имконияти чекланган шахсларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини амалга оширишга қўмаклашиш</p>							
<p><b>1. Устувор йўналиш:</b> аҳолининг иш билан банд бўлмаган қисмини, биринчи навбатда ёшларни, аёлларни ва ногиронларни қўшимча касбларга қайта тайёрлашнинг самарали тизimini ташкил этиш, уларнинг бандлигига қўмаклашишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш.</p> <p><b>Мақсад:</b> иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг республика даражасидан паст бўлган ўрта туманда яшаётган академик лицейлар, коллежлар ва олий ўқув юртлири битирувчиларини, шунингдек, аёллар ва ногиронларни оилавий бизнесга ва хусусий тадбиркорликнинг турли соҳаларига кенг жалб этиш, уларнинг бандлигини таъминлаш.</p> <p><b>Вазифалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг республика даражасидан паст бўлган ўрта туманда яшаётган академик лицей, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлири битирувчиларини, ишсиз аёлларни ва ногиронларни тадбиркорликка кенг жалб қилишга ва иш билан таъминлашга қўмаклашиш;</li> <li>- 250 дан ортиқ хотин-қизнинг индивидуал эҳтиёжлари ҳамда имкониятларини баҳолаган ҳолда ўз бизнесларини очишга ва хусусий тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтишига қўмаклашиш;</li> <li>- 1000 нафар аёлини бизнес-режа тузишга ўргатиш, шунингдек, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига ўз бизнесини очишни режалаштирган хотин-қизларга ахборот маслаҳатлари бериш;</li> <li>- 1000 нафар хотин-қизни "Устоз-шогирд" аънаъаси асосида ишга жойлаштириш.</li> </ul>	Ўзбекистон Республикаси Мехнат вазирлиги	300,0	<p>- тажриба тариқасида Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактабларининг жамоалари ўртасида интеллектуал ўйинлар мусобақасини ташкил этиш ва ўтказиш;</p> <p>- МТРК телеканалларининг бирида интеллектуал ўйинларнинг телевизион версиясини тайёрлаш, интеллектуал ўйинларнинг таълим жараёни самарадорлигини оширишдаги аҳамиятини аниқ мисолларда кўрсатиб берадиган махсус телекўрсатувлар, ижтимоий роликлар тайёрлаш ва эфирга узатиш;</p> <p>- умумтаълим мактабларидаги ўқув жараёнига ўқувчиларни синфдан ташқари ўқитишнинг шакли сифатида интеллектуал ўйинларни жорий этиш.</p>	Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси	200,0		
<p><b>2. Устувор йўналиш:</b> ўқув-тарбия жараёнига замонавий ўқитишнинг илгор шакллари, янги педагогик ва ахборот технологияларини, маънавий-ахлоқий тарбиянинг самарали шакл ва усулларини жорий этиш.</p> <p><b>Мақсад:</b> республиканинг барча умумтаълим мактабларида "Оила ва мактаб бирлигида - FAST" дастурини жорий этиш.</p> <p><b>Вазифалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- ҳар бир минтақада маҳаллий тренерлар тайёрлаш, улар томонидан жойларда "каскад" усулида ўқувлар ташкил этиш ва салбий ҳолатга мойил гуруҳга кирувчи оилалар ва уларнинг фарзандлари билан профилактик тадбирларни самарали ташкил этишга эришиш;</li> <li>- дастурнинг давомийлигини таъминлаш мақсадида халқаро ташкилотлар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, вазирлик ва идоралар ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш, тарғибот ишларини олиб бориш;</li> <li>- дастурни жорий этиш ва унинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида республика бўйича мониторинг юритиш;</li> <li>- хорижий мамлакатлар ва халқаро экспертларнинг илгор иш тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш.</li> </ul>	Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги	50,0	<p><b>4. Устувор йўналиш:</b> табиат ва табиий ресурсларни асраб-авайлаш руҳида фуқароларни тарбиялаш ишини, табиат тўғрисидаги билимларни тарғиб қилишни ва оммалаштиришни ташкил этиш, экологик таълим савиясини оширишга қўмаклашиш.</p> <p><b>Мақсад:</b> атроф табиий муҳитни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраб-авайлаш борасида кўргазмали материалларни тарқатиш, аҳолининг кенг қатламлари экологик маданиятини янада ўқсатириш.</p> <p><b>Вазифалар:</b></p> <p>Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ҳар бирида 50 тадан жами 700 та махсус ижтимоий баннерлар тайёрлаш ҳамда ўрнатиш.</p>	Самарқанд вилояти ҳокимлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси	200,0		
<p><b>3. Устувор йўналиш:</b> ўқув-тарбия жараёнига ўқитишнинг замонавий илгор шакллари, янги педагогик ва ахборот технологияларини, маънавий-ахлоқий тарбиянинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш.</p> <p><b>Мақсад:</b> умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг мустақил ва мантиқий фикрлашини, ақлий салоҳиятини ривожлантиришга қўмаклашиш, болаларда илмий дунёқарашни шакллантириш, умумтаълим мактабларида синфдан ташқари ўқитишнинг илгор усулларини жорий этиш.</p> <p><b>Вазифалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- умумтаълим мактабларининг 5—9-синф ўқувчилари учун ўзбек тили ва адабиёти, математика ва геометрия, химия ва биология, тарих, география фанлари бўйича бешта йўналишда интеллектуал ўйинлар концепцияси ва низомини ишлаб чиқиш;</li> <li>- ХТВ, ОУМТВ ва ФАнинг тажрибали мутахассисларини жалб этган ҳолда дарсликлар асосида ҳамда мактаб дастурларига мувофиқ ҳар бир фан бўйича саволномалар тузиш;</li> <li>- умумтаълим мактабларида жамоаларни тузиш ва уларни мусобақаларга тайёрлашда қўмаклашувчи интеллектуал ўйинлар клубларини ташкил қилиш;</li> </ul>	Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги	100,0	<p><b>5. Устувор йўналиш:</b> ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасида кенг қўламли чўқур билимларга эга бўлган, бозор иқтисодиёти шароитида кенг қўламли касб малакаси ва иш қўнимларини эгаллаган ёшларни тайёрлашга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасида узлуксиз таълимнинг мақсадли вазифаларини ва устувор йўналишларини рўйбга чиқариш.</p> <p><b>Мақсад:</b> коллеж ўқувчиларининг ўқишдан бўш вақтида қандолатчилик, тикиш-бичиш ва бошқа йўналишларда қўшимча касбий қўнимлар эгаллашларига шароит яратишга қўмаклашиш учун Самарқанд вилояти коллежларидан бирининг базасида тажриба ўқув-ишлаб чиқариш "Ўқув комплекси"ни ташкил этиш.</p> <p><b>Вазифалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касб йўналишларини аниқлаш, ўқув жараёнида фойдаланиш учун ўқув-услубий қўланмаларни ишлаб чиқиш;</li> <li>- қишлоқ аҳолиси кам таъминланган оилаларининг фарзандлари бўлган ўқувчилардан тингловчилар гуруҳларини шакллантириш;</li> <li>- касб-хунар коллежи ўқувчилари ва битирувчиларида, уюлмаган ёшларда қўшимча касбий қўнимларни шакллантириш, махсус гуруҳлар тузиш ва ўқув жараёнини ташкил этиш;</li> <li>- қўшимча касбий қўнимга эга бўлган гуруҳ ёшларининг тижорат банклари ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа манбалардан микро-кредитлар олишига ва ўз бизнесини йўлга қўйишига қўмаклашиш.</li> </ul>	Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги	100,0		
<p>II. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, миллий журналистиканинг энг яхши ютуқларини кенг оммалаштириш</p>							
			<p><b>6. Устувор йўналиш:</b> миллий ахборот-коммуникация тизimini жорий этиш ва ривожлантириш юзасидан комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, "Электрон ҳуқумат" тизimini, электрон имзо ишлатилишини жорий этиш.</p> <p><b>Мақсад:</b> жойларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида аҳолининг билим ва касбий қўнимларини ошириш шаклида аҳолининг билим ва касбий қўнимларини ошириш бўйича ўқув-семинарлар ташкил қилиш.</p> <p><b>Вазифалар:</b></p> <p>Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида аҳолининг билим ва касбий қўнимларини оширишга қаратилган ўқув-семинарлар ташкил этиш, шу жумладан, "Электрон ҳуқумат" тизimini, Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг (<a href="http://www.my.gov.uz">www.my.gov.uz</a>), коммунал хўжалик ва уй-жой фонди порталининг (<a href="http://www.e-kommunal.uz">www.e-kommunal.uz</a>) мақсад ва вазифалари билан таништириш, фуқароларнинг мазкур тизимлар билан мустақил ишлаш олишини таъминлаш.</p>				

2017-yil 4-mart, № 18 (8979)

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги жамоат фонди 2017 йилда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида муҳим ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишга давлат ижтимоий буюртмаларини тақдим этиш учун танлов ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

(Давоми. Боши 12-бетда.)

№	ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни талаб қилувчи давлат органлари фаолиятининг устувор йўналишлари, давлат ижтимоий буюртмасининг мақсади, вазифалари ва шартлари	Давлат буюртмачиси	маблаг (млн. сўм)
7.	<p><b>Устувор йўналиш:</b> фуқароларнинг ахборот олишга бўлган аҳтиёжларини тўлиқроқ қондириш, аҳолининг таълим, маънавий-ахлоқий ва маданий даражасини ошириш мақсадида оммавий ахборот воситаларининг кенг ривожланишига қўмаклашиш.</p> <p><b>Мақсад:</b> юксак касбий маҳоратини ва фуқаролик позициясини намоён этган журналистлар меҳнатининг умумэтироф этилиши ва нуносиб баҳоланишига қўмаклашиш мақсадида аънавий Жаҳон матбуот эркинлиги кўнига бағишланган журналистика соҳасида «Олтин қалам» Миллий мукофоти XII Халқаро танловини ўтказиш.</p> <p><b>Вазифалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- миллий журналистиканинг энг яхши ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимларида юксак фуқаролик позициясини шакллантириш, журналистлар меҳнатини маънавий ва моддий рағбатлантириш;</li> <li>- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишда, жамиятда қонун устуворлигини мустаҳкамлашда ОАВ ва журналистларнинг ролини кучайтириш, давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонун ва ҳуқуққа ҳурмат билан муносабатда бўлишини шакллантириш;</li> <li>- ОАВлар ва журналистларнинг ёшлар сиёсий ҳамда фуқаролик фаоллигини ошириш, уларда мустақил фикрлашни, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини шакллантириш борасидаги фаолиятини рағбатлантириш;</li> <li>- сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда, уларнинг очиқлигини таъминлашда ОАВларнинг ролини ошириш.</li> </ul>	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги	400,0
<p>III. Миллатлараро маданий муносабатларни ривожлантириш, замонавий Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва бирдамлик, халқларнинг маданий-тарихий мероси, аънава ва удувлари соҳасида эришилган ютуқларни кенг намоён қилиш</p>			
8.	<p><b>Устувор йўналиш:</b> турли диний ташкилотларга ўз фаолиятини амалга оширишда ёрдам кўрсатиш, жамиятда миллатлараро ва динлараро тинчлик ва ҳамжихатликни таъминлаш, конфессиялараро мулоқотлар маданиятини ривожлантириш.</p> <p><b>Мақсад:</b> Ўзбекистонда виждон ва диний эътиқод эркинлигини таъминлаш, жамиятда конфессиялараро ҳамжихатликни мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақидаги ахборотларни кенг жамоатчиликка етказиш.</p> <p><b>Вазифалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- буюк олим Имом Бухорий ҳаёти ва фаолиятини ёритувчи, бадиий нашр талабларига жавоб берувчи юқори сифатли материалларни жамлаш;</li> <li>- буюк олимнинг маънавий меросига, Самарқанддаги "Имом Бухорий" мемориал мажмуасини қайта тиклаш бўйича бунёдкорлик ишларига, "Имом Бухорий" халқаро маркази фаолиятига асосланган ҳамда ёшларни маънавий-тарихий қадриятлар руҳида тарбиялашга қаратилган брошюралар, рисоалар ва буклетлар тайёрлаш ва чоп этиш;</li> <li>- "Имом Бухорий ҳаёти, фаолияти ва бугунги кун" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказиш;</li> <li>- ўзбек, инглиз ва рус тилларида "Имом Бухорий ҳаёти ва унинг маънавий мероси" китоб-альбомини чоп этиш.</li> </ul>	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Диний ишлар бўйича қўмита	100,0
9.	<p><b>Устувор йўналиш:</b> иқтисодиёт, маданият, илмий-техникавий айирбошлаш ҳамда савдо соҳасида Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари ва идоралари, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг халқаро алоқалари ривожланишига қўмаклашиш.</p> <p><b>Мақсад:</b> бугунги Ўзбекистоннинг халқаро маданий-гуманитар муносабатлар ва алоқалар соҳасида эришган ютуқларини, мамлакатнинг тарихий-маданий объектлари, маънавий мероси ва салохиятининг ўрни ва аҳамияти тўғрисида ахборот берувчи "Дипломатия лугати"ни чоп этиш.</p> <p><b>Вазифалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Ўзбекистоннинг асрлар давомида буюк аждодларимиз томонидан яратилган тарихий ёдгорликлари, халқ хунармандчилиги буюмлари ва бошқа маданий-маърифий мероси ҳақидаги материалларни тўплаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш, шунингдек, "Дипломатия лугати" китоби лойиҳаси шаклида тизимлаштириш;</li> <li>- ўзбек тилида рангли тасвирдаги "Дипломатия лугати"ни китоб шаклида тайёрлаш ва 1000 нусхада чоп этиш;</li> <li>- ўзбек халқининг умуминсоний қадриятлар хазинасига қўшган буюк ҳиссаси тўғрисидаги материаллар билан жаҳон жамоатчилигини таништириш;</li> </ul>	Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги	180,0

№	ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни талаб қилувчи давлат органлари фаолиятининг устувор йўналишлари, давлат ижтимоий буюртмасининг мақсади, вазифалари ва шартлари	Давлат буюртмачиси	маблаг (млн. сўм)
	<ul style="list-style-type: none"> <li>- олий ўқув юрлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан шерикликда туркум илмий-амалий анжуманлар, семинарлар, конференциялар ва давра суҳбатлари ташкил этиш, таҳлилий ахборот ва илмий ҳамжамиятнинг онгу шурига Ўзбекистоннинг миллий аънава ва удувлари аждодлардан мерос бўлиб қолганини ва гуллаб-яшнаётганини, уларнинг умуминсоний қадриятлари билан уйғун эканлигини сингдириш;</li> <li>- "Дипломатия лугати" китобининг тақдимотини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарига, Ташқи ишлар вазирлиги тизимидаги олий ва ўрта махсус ўқув юрларига, республика кутубхоналарига тарқатиш;</li> <li>- "Дипломатия лугати" китобининг электрон нусхасини яратиш ҳамда уни Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг интернет тармоғидаги электрон кутубхона базасига жойлаштириш;</li> </ul>		
10.	<p><b>Устувор йўналиш:</b> ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ижтимоий шериклик муносабатларини чуқурлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, жамиятда миллатлараро тотувлик ва ҳамжихатликни янада мустаҳкамлаш.</p> <p><b>Мақсад:</b> Хоразм вилоятидаги ННТлар ҳамда миллий маданий марказларнинг самарали фаолият олиб бориши, ўзаро тажриба алмашиши ва ҳамкорлик қилиши учун қўлай шарт-шароит яратиш.</p> <p><b>Вазифалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>"ННТлар ва дўстлик уйи" ижтимоий шериклик ва ҳамкорлик маркази биносини капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш;</li> <li>- "ННТлар ва дўстлик уйи" ижтимоий шериклик ва ҳамкорлик маркази базасида семинар-тренинглари, конференциялар ўтказиш учун шароит яратиш, зарур техник воситалар билан жиҳозлаш;</li> <li>- ҳудудий ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг жойлардаги социал-иқтисодий, ижтимоий-гуманитар ривожланиш масалаларини ҳал этишга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирларни амалга оширишдаги ролини янада кучайтириш;</li> <li>- ҳудудларнинг долзарб ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар вазифаларини ҳал этишда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва минтақавий ННТ вакиллари иштирокида семинарлар ташкил этиш ва ўтказиш;</li> <li>- ННТлар ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига услубий маслаҳат ва қўмак кўрсатиш, ўзаро тажриба алмашиш тизимини яхшилаш;</li> <li>- Иш ўринлари ташкил этиш ва бандликни таъминлаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган давлат дастурларини ва бошқа ижтимоий дастурларни рўёбга чиқаришда, шунингдек, ижтимоий шерикликни ривожлантиришда фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштироки этиши масалалари бўйича жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш;</li> <li>- жойлардаги ижтимоий, социал-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда ННТлар иштироки самарасини кучайтириш.</li> </ul>	Хоразм вилояти ҳокимлиги	770,0
<b>Жами</b>		<b>2 400 млн. сўм</b>	

**Ижтимоий аҳамиятга молик бўлган лойиҳани амалга оширишда давлат ижтимоий буюртмасининг шартлари:**

- ижрочи-ташкилот белгиланган тартибда ННТ сифатида рўйхатдан ўтган бўлиши зарур;
- давлат ижтимоий буюртмасини бажариш доирасида амалга ошириладиган фаолиятнинг ижрочи-ташкилотнинг уставидаги вазифаларга мувофиқлиги;
- ижрочи-ташкилотда лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган ташкилий, кадрлар ва техник имкониятнинг мавжудлиги;
- ижрочи-ташкилотда ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар ва дастурларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги тажрибанинг мавжудлиги;
- лойиҳани амалга ошириш ҳақидаги шартномани сифатли ва ўз вақтида бажариш, уни амалга ошириш вақтида ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланишини, очиқлик ва ошқоралиқни таъминлаш, амалдаги қонун ҳужжатларига тўлиқ риоя этиш.

**Давлат ижтимоий буюртмаси берилиши учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши зарур:**

1. Ариза тақдим этаётган ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтининг раҳбари имзоси ва муҳр билан тасдиқланган қузатув хати.
  2. [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz) сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат ижтимоий буюртмаси лойиҳаси учун ариза.
  3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Низомини нусхаси.
  4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси.
  5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
- Ҳужжатлар 2017 йил 27 февралдан 3 апрелгача қабул қилинади. Тақдим этилган муҳим ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан қўриб чиқилади ва натижалари эълон қилинади.
- Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига «Ўзбекистон почтаси» орқали муҳрланган конвертда (А4 формат) қўйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.
- Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузурдаги жамоат фондининг [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz) расмий веб-сайтида танишиш мумкин.


Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.





Китоб миллатнинг ақл кўзини ёритувчи офтобдир!  
**ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ  
 НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги  
 “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини  
 ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини  
 ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича Комиссия тузиш  
 тўғрисида”ги фармойишининг ижросини таъминлаш мақсадида сиз —  
 азин китобхонларга ўзбек ва чет эл адибларининг мумтоз ва  
 замонавий асарларидан жамланган **44 жилдан иборат**  
 “Адабиёт хрестоматияси”ни тақдим этади.



**Маъмур китобларни мутолаа қилиб завқланинг,  
 мулоҳаза юритинг ҳамда билимингизни оширинг!**

Манзила: 100128, Тошкент шаҳри, Лабзак кўчаси, 86-уй.  
 Телефонлар: (+99871) 241-83-29, (+99895) 144-41-82, (+99893) 791-00-70, (+99890) 331-32-00  
 WWW.ggit.uz, e-mail: marketing\_107@mail.ru

Маҳсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

<p><b>Ma'rifat</b>                  TA'SIS                  ETUVCHILAR:                  O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,                  O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus                  ta'lim vazirligi, O'zbekiston                  Ta'lim, fan va madaniyat                  xodimlari kasaba uyushmasi                  Respublika kengashi.</p>	<p><b>Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV</b>                  Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida                  2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga                  olingan. Indeks: 149, 150. F-315. Tiraj 58165.                  Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,                  qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.</p>	<p>«Ma'rifat»dan                  materiallarni ko'chirib                  bosish tahririyat                  ruxsati bilan amalga                  oshirilishi shart.                  Tahririyatga kelgan                  qo'lyozmalar taqриз                  qilinmaydi va muallifga                  qaytarilmaydi.</p>	<p><b>MANZILIMIZ:</b>                  100083, Toshkent shahri,                  Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.                  Web-site: www.marifat.uz</p>
	<p>TELEFONLAR:                  qabulxona — 233-50-55;                  kotibiyat — 233-99-15;                  reklama va marketing bo'limi —                  233-42-92(faks), 236-54-17.</p>	<p>ISSN 2030-6416  </p>	<p>Dizaynerlar:                  Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.                  Navbatchi muharrir:                  Akmal JUMAMURODOV.                  Navbatchi:                  Bobomurod XUDOYBERDIYEV.</p>